



НУҚУ

1997-йил 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.huquq.uz

2020-Ҳ. 24-СЕНТАБР, №36 (1235)

ДОЛЗАРБ

«Нуқу» – мустақиллик меваси. Унинг биринчи сони 1997 йил 27 августда босмадан чиққан. Вақт – оқар дарё дейдилар. Назаримда яқиндагина дунё юзини кўргандай туюлган газетамизнинг 1235-сони босмадан чиқади дейишса унча ишонгинг ҳам келмайди киши.



ёхуд профессионал журналистика ва хашаки блогерлик хусусида

Республикамиз аҳолисининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга кўмаклашиш, прокуратура фаолиятини ёритиш ва унга ошқоралик бериш асосий мақсади бўлган газетамиз ўтган даврда ўз қиёфасига эга бўлди,

газетхонлар қалбидан жой олди. Муштарийлар учун хали янгилик бўлган (мустикаликкача мамлакатимизда бирорта ҳам ҳуқуқий нашр йўқ эди) ҳуқуқий йўналиш соҳасида анча тажриба тўплади, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини химоя қилувчи ҳақиқий минбарга айланди.

Журналистлар учун энг масъулиятли давр – 2021 йил учун газета-журналларга обунана мавсуми бошланди. Шу муносабат билан журналистика ҳақида ҳам баҳоли қудрат фикр юритсак фойдалан холи бўлмас. Журналистлик – шарафли ва ўта масъулиятли касб.

Шарафлилиги шундаки, ҳар доим элнинг назарида бўласиз. Масъулиятлилиги шундаки, ахборот асрида яшар эканмиз, воқеликка фаол муносабат уйғотиш, у ёки бу ҳодисани батафсил ёритиб бериш, тезкор хабарларни етказиб, долзарб муаммоларни ўртага ташлаш

журналистдан катта маҳорат ва дид талаб қилади. Унинг диди қанча юксак бўлса, фаолиятининг кишилар онгида акс садо бериши, қолаверса, жамиятдаги обрўси ҳам шунча юқори бўлади.

Мана, икки йилдирки, газетамизнинг қиёфаси ва мазмуни тубдан ўзгарди. Унинг саҳифаларида илгари кўпроқ «Суд очерки», «Назорат», «Фаолият» рукнидаги мақолалар берилган бўлса, ҳозир ҳамкасбларим одамларни қийнаётган муаммоларни холисона тарзда, ўзига хос маҳорат билан кўтариб чиқишмоқда. Шу тариха профессионал бурчини бажаришарди. Бунинг тагида машаққатли меҳнат борлигини бошидан ўтказган билди. Бошқа бир қатор нашрларда ҳам ана шундай заҳматқаш ҳамкасбларимиз зиммасига элнинг юқини ортмоқлаб меҳнат қилишарди. Ҳеч шубҳасиз, обуначилари олдида уларнинг юзлари ёруғ.

Давоми 3-бетда

ЛОҚАЙДЛИКНИНГ ХУНУК КЎРИНИШИ

Аввал хабар қилганимиздек, пойтахтимизда куз-қиш мавсумига тайёргарлик жараёни ўрганилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг биринчи ўринбосари Абдухалим Холмахматов раҳбарлигидаги гуруҳ ўз ишини Миробод туманида давом эттирди.

Хусусан, туманнинг Сарикўл кўчасида жойлашган 175-мактабнинг 1963 йилда қурилган амалий машғулотларни ўташ биноси ўрганилганда у ачинарли аҳволда эканлиги маълум бўлди.

Аниқланишича, мактабнинг ушбу биноси Тошкент шаҳар ҳокимининг 2013 йил 9 июлдаги қарорига асосан Миробод тумани молия, газначилик ва бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси бўлимларини жойлаштириш учун туман молия бўлимига ўтказилган.

Тўрт йил давомида қаровсиз қолдирилган ушбу бино Тошкент шаҳар ҳокимининг 2017 йил 18 июлдаги қарорига асосан туман маданият бўлимига берилган.

Маданият бўлими мутасаддиларининг бинога хўжасизларча муносабати оқибатида 2018 йил 25 майда бинонинг бир қисмида ёнгин юзага келган. Маданият бўлими ва соҳага масъул идора раҳбарларининг лоқайдлиги туфайли бино ҳозир харобага айланган.

Бугун юртимизда олиб борилаётган изчил ислохотлар замирида фарзандларимизнинг орзумидларини рўёбга чиқариш, уларга таълим олишлари учун муносиб шароит яратиб бериш, эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамлашдек олижаноб мақсад мужассамлигини барча теран англаб турибди. Шундай эътибор сабаб замонавий таълим масканлари бунёд этилаётти, мавжудлари мукамал таъмирланиб, кўркам қиёфага келтирилмоқда. Мана шундай шароитда тайёр бинодан самарали фойдаланиш ўрнига, унга нисбатан хўжасизларча муносабатда бўлиш ярамайди.

Мазкур бино билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш юзасидан мутасаддиларнинг таклифлари тингланди, туман ҳокимлиги ва масъулларга топшириқлар берилди.

Бобоқул САИДОВ,
Бош прокуратура бошқарма бошлиғининг ўринбосари



2020 йил 23 сентябрь
соат 17:00 ҳолатига



Касалланганлар
53 275 нафар



Соғайганлар
49 649 нафар



Вафот этганлар
444 нафар

МУРОЖААТЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари Эркин Юлдашев 11-17 сентябрь кунлари Нукус шаҳри, Тахиятош, Бўзатов, Тахтақўпир, Чимбой, Мўйноқ, Қўнғирот, Қораўзак, Тўрткўл, Эллиққалъа ва Амударё туманларида сайёр қабул ўтказди.

Уларда жами 224 нафар фуқаро қабул қилинди. 72 кишининг мурожаати жойида ҳал қилинди, 26 та мурожаат бўйича ҳуқуқий маслаҳат берилди ҳамда 126 тасининг кўриб чиқиши назоратга олинди.

Жумладан, Қуралпа овулида фуқаролар ичимлик суви етказиб берувчи мослама бузилгани сабабли уни таъмирлаб беришни сўрашди ва мурожаат шу куннинг ўзида қаноатлантирилди. Овулда яшовчи 90 та хонадонга тоза сув етказиб берилиши таъминланди.

Бундан ташқари, фуқаро Р.Нуримбетовнинг моддий ва маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги даъвоси бўйича чиқарилган суд қароридан норозилиги ҳақидаги мурожаати ҳам ўрганилиб, фуқаролик ишлари бўйича Чимбой туманлараро судининг ҳал қилув қарорига апелляция тартибида протест келтирилди ва натижада фуқаронинг мурожаати ижобий ҳал қилинди.

Қораўзак туманида яшовчи, тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлган У.Ибрайимовнинг 135 млн. сўм, А.Та-



Учрашувда қатнашган 10 кишига иссиқхона куриб берилди. Яна 10 нафар фуқарога 3 гектар ер ажратилиб, қишлоқ хўжалиги кооперацияси ташкил этилиши натижасида ушбу овулда яшовчи 20 киши ишла бўлди.

Шунингдек, фуқаро Н.Кенесбаевнинг овулдаги 21-мактабда ёшлар спорт билан шуғулланиши учун кураш гилами зарурлиги ҳақидаги мурожаати ижобий ҳал қилинди.

Бўзатов туманида яшовчи Р.Утегеновнинг, Чимбой туманида яшовчи А.Жалменовнинг мурожаатлари мутахассислар иштирокида ўрганиб чиқилиб, жами 5 км. йўлга қум-шағал ётқизилди.

нирбергеновнинг 33 млн. сўм, мўйноқлик Р.Ўмирзақовнинг 33 млн. сўм, А.Жиёмуратовнинг 25 млн. сўм ҳамда тахиятошлик М.Қамоловнинг 12 млн. сўм имтиёзли кредит сўралган мурожаатлари жойида ҳал қилиниб, банклардан жами 238 млн. сўмлик кредит олиб берилди.

Шунингдек, сайёр қабул давомида Бўзатов, Тахтақўпир, Чимбой, Қораўзак туманида яшовчи фуқароларнинг мурожаатлари қаноатлантирилиб, 11 кишининг бандлиги таъминланди.

Гулсанам БЕКНИЯЗОВА,
Қорақалпоғистон Республикаси
прокурорининг катта ёрдамчиси



ЖИНОЯТЧИЛИК АҲВОЛИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

19 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг биринчи ўринбосари Абдухалим Холмаҳматов раислигида мамлакатда жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш самарадорлигини оширишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Онлайн тарзда ўтган йиғилишда ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Ш.Собиров, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирининг биринчи ўринбосари Г.Маруфова, бошқарма бошлиқлари ҳамда вилоят прокурорларининг ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг ўринбосарлари, туман (шаҳар) прокурорлари ва ички ишлар бўлимлари бошлиқлари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармалари бошлиқлари иштирок этди.

Йиғилишда А.Холмаҳматов маъруза қилиб, давлатимиз раҳбари ва халқимизнинг асосли норозилигига сабаб бўлаётган муаммо – ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари томонидан фуқароларга тазйиқ ўтказиш, уларни уриш, қийноққа солишга чек қўйилмаётганига алоҳида тўхталди.

Чироқчи тумани ва Андижон шаҳрида ички ишлар ходимлари томонидан фуқаролар қалтакланиб, қийноққа солинishi оқибатида вафот этгани ички ишлар органларининг, қолаверса, бутун

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг номига кетмас доғ тушишига сабаб бўлгани таъкидланди.

Шунингдек, йиғилишда жиноятларни рўйхатга олиш, фош этиш ва тезкор кидирувнинг ўз вақтида ва тўлиқ ўтказилиши, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, бу борадаги прокурор назоратига танқидий муносабат билдирилди.

Бундан ташқари, йиғилишда ёшлар ва аёллар жиноятчилиги ҳақида сўз юритилиб, маҳалла ва оилаларда тотувликни таъминлаш, низоларни бартараф этишнинг самарасизлиги танқид қилинди.

Кун тартибидаги масала юзасидан Ш.Собиров ва Г.Маруфованинг ахборотлари тинланди.

Фаолиятда йўл қўйилган камчиликлар юзасидан ҳудудий раҳбар ва масъул ходимларнинг изоҳ ва тушунтиришлари эшитилди.

Йиғилиш якунида келгусида қилинадиган ишлар юзасидан тавсиялар берилди.

TADBIR

ТИЛ – ШУБҲАСИЗ МИЛЛАТ КЎЗГУСИ

Давлат тили тўғрисидаги қонун ижроси доирасида прокуратура органлари томонидан қатор тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси ташаббуси билан Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртида «Тил – миллат кўзгуси» мавзусида онлайн мулоқот ташкил этилди. Унда Республика Ҳарбий прокуратураси маҳкамаси, Муҳофаа вазирлиги ва Чирчиқ ҳарбий прокуратурасининг масъул ходимлари, Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти ўқитувчи ва офицерлари ҳамда гарнизондаги ҳарбий қисмлар ҳарбий хизматчилари иштирок этди.

Тадбирда Чирчиқ давлат педагогика институти ўзбек тили ва адабиёти кафедрасидан таклиф этилган ва бошқа мутахассислар томонидан ўзбек тилининг тарихи, сўнгги йилларда она тилимизни ривожлантириш, унинг нуфузини юксалтириш борасида қилинаётган ишлар ҳақида маълумот берилди.

Шунингдек, онлайн мулоқотда Куролли кучларда давлат тили ҳақидаги қонунга риоя қилиниши бўйича фикр-мулоҳазалар алмашилди. Савол-жавоб ва мунозараларга бой тарзда ўтган бундай тадбирлар давлат тилининг мақомини юксалтиришга хизмат қилади.

Азизбек МУМИНОВ,
Республика Ҳарбий прокуратураси бўлим ҳарбий прокурори



«ЯНГИ ТҮН» ЮКИ

ЁХУД ПРОФЕССИОНАЛ ЖУРНАЛИСТИКА ВА ХАШАКИ БЛОГЕРЛИК ХУСУСИДА

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Ададлар камайди, эҳтиёж кўпаймоқда

Матбуот омманинг тафаккурини шакллантиради. Шундай экан, овозимиз оммага етиб боришига, газета ҳар бир хонадонга кириб боришига эришмоқ даркор. Чунки мафқуравий, сиёсий, маърифий ишда тасодифий, кам сонда чоп этиладиган газеталар билан мақсадга эришиб бўлмайди. Ватанпарварлик нафақат тилда ва соғлом танда, балки онда ҳам бўлиши керак. Бугун орифона газета-журналларнинг ҳам адади камайиб кетди... Ҳа, ададлар камаймоқда, ахборотга, тўғрироғи, асл ва ҳаққоний ахборотга эҳтиёж кўпаймоқда. Энг оммавий ахборот воситаси бўлган радио ва телевидение эса ашула ва сериаллар билан эфирни тўддирапти. Бу халқни, айниқса ёшларни фикрлашдан узоклаштиради.

Блогерлик ва журналистика

Кейинги йилларда блогерлик авж олаётгани жамият ривожига муҳим аҳамият касб этади. Профессонал блогерларимиз жамиятдаги долзарб муаммоларни дадил кўтариб чиқишапти. Бирок...

Бугун ижтимоий тармоқларни тўлдирган «Тезда кўринг», «Фалончининг видеоси таркабди» сингари бемаъни чорловлар, эхтиросга, йиғи-сиғига қоршиқ тарзда эълон қилинаётган мурожаатлар ва уларга ечим топишга уринилган «эъжод намуналари» одамларнинг хатто профессионал журналистикадан ҳафсаласи ҳам бўлишига сабаб бўлмоқда.

Яқинда ижтимоий тармоқда тарқалган карикатурада бир абитуриент «агар бу йил ҳам ўқишга қира олмасам, блогерлик қиламан» деб турибди. Дарҳақиқат, бугун кўлида шапалоқдай телефонни кўтариб олиб, блогерлик даввосида оламини бузадиган, аммо ўзи сурат тағидаги икки қатор тагсўз ёки ижтимоий тармоқдаги постини хатосиз ёза олмайдиган, халқим деб туриб халқумини ўйлайдиган шоввозлар ҳам кўпайиб кетди... Очиғини айтсак, бир пайтлар семимли кизикчиларимиз Эргаш Каримов ёхуд Муҳиддин Дарвешов образларини бетакрор тарзда гавдалантирган ёзгувчиларнинг аксарияти бугун блогерлик тўнини кийгани ҳам бор гап.

«Е, тўним» деган латифа ёдингизда бўлса керак. Бугун юқорида қайд этганимиз сингари айрим манфаатпараст блогерларимиз янги зарбоф «тўн» шарофати билангина ризқ топиб юришгани ҳеч кимга сир эмас.

Ҳа, тўнлар ўзгараверади, зарбофми, жандами, гап унинг ичидагида эмасми?! Шулар ҳақида ўйлаб, барибир бугун



«янги тўн» қияётган асл профессионаллик матбуотдан бошланишини қатъий таъкидлагим келади. Телевидиедаги ёки нуфузли сайтлардаги ҳамкасбаримиз илгари газетада ишлаган журналистнинг ўзгача тарзда кадрлаши бежиз эмас.

Аслида газетхонлик ҳам мутолаа

Журналистларни тўртинчи ҳокимият вакиллари, матбуотни эса тўртинчи ҳокимият дейишади. Ҳокимият бировга қўшқўллаб берилмайди. Журналистнинг манглайига беҳаловатлик ёзилган. Шу беҳаловатлик, изланувчанлик туфайлигина бундай шарафли номга муносиб бўлиш мумкин.

Таниқли қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматов «Журналистлар бамисоли альпинистлардай ижод чўққиларининг мураккаб ва машаққатли йўлларида ўтиб, баланд тоғ чўққиларига кўтарилишлари керак» деб бежиз айтмаган.

Бугун юртимизда аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва саводхонлигини ошириш, маънавий етук авлодни тарбиялашга алоҳида аҳамият берилмоқда. Чунки ҳуқуқий маданиятли шахс факат кўнунларни билибгина қолмай, уларга оғишмай амал ҳам қилади, итоат этади.

Ўз ҳуқуқларининг бузилишига, қўнунларнинг поймод этилишига лоқайдлик билан қарамай, бу ҳақда жамоатчиликка хабар беради, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат органларига мурожаат қилиб, ўзини ҳам, уларнинг халқона тилдаги шарҳлари ўзгаларни ҳам ҳимоялайди.

Юқорида қайд этилган мисоллардан кўринадики, мамлакатдаги ижтимоий, сиёсий янгиликлардан хабардор бўлишни хоҳлаганлар ҳуқуқий нашрларга обуна бўлишлари керак. Чунки уларда ҳуқуқий мавзудаги мақолалар, газетхонларни кизиктирадиган саволларга мутахассисларнинг жавобларидан ташқари фармон ва қарорлар, бошқа меъёрий ҳужжатлар ҳам чоп этиб борилади.

Бугун китобхонлик ҳақида, мутолаа ҳақида катта минбарларда қайта-қайта сўз юритилмоқда. Рости ёлғоннинг фарқига бориш мушкул бўлган виртуал оламда адашмасдан, профессионал матбуотга катта эҳтиёж тутилган айни пайтда матбуотда такрор-такрор уқтирилаётганидек газетхонлик ҳам ривожланаётган жамиятда замонавий мутолаанинг ўзига хос кўринишидир.

Ўш, биз бу мутолаага тайёриямиз?

Норбўта ҒОЗИЕВ,
«Нур»

FAOLIYAT

САХОВАТДАН КЎНГИЛ, КЎМАКДАН РЎЗҒОР ОБОД

Бугунги кунда «Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракати доирасида ҳар бир секторда эҳтиёжманд оилалар рўйхати тузилиб, уларга ёрдам кўрсатиб келинмоқда.

Қарши тумани 2-секторида 16 та маҳаллада яшовчи 1179 та оила рўйхатга олинди. 2020 йил 24 апрелдан буён уларга 156 млн. сўмлик озиқ-овқат, 116 оилага 46 млн. сўм пул тарқатилди. Шунингдек, эҳтиёжманд оилалардан 87 киши мавсумий ишларга жалб этилди, 1 оилага қорамол, 6 оилага қўй, 14 оилага парранда, 20 оилага уруғлик ва қўчат берилди. 20 оилага иссиқхона қуриб берилиб, шароити яхшиланишига эришилди. Битта талабанинг ўқиш пули тўланди.

10 июндан кейин 321 та оилага 183 млн. 635 минг сўмлик ёрдам кўрсатилди. Хусусан, 201 та оилага 29 млн. 730 минг сўмлик озиқ-овқат, 12 та оилага 2 млн. 450 минг сўм пул тарқатилди. 5 та оиланинг коммунал қарзи тўланди. 13 оилага 28 млн. сўмлик дори-дармон берилди.

61 оилага 92 млн. сўмлик бошқа хил ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, 29 оилага чорва моллари берилди.

«Қўлдан берганга қўш тўймас» деган гап бор. Шу боис эҳтиёжманд оилаларнинг вакилларини иш билан таъминлаш чораси кўрилоқда. Натижада 819 киши ишла бўлди. Масалан, 258 нафар фуқарога такрорий экин (мош, тарик, тарвуз, маккажўхори) учун ер ажратилиб, экин экилиши таъминланди. Улар орасида таллиқуронлик Нигора Норова ҳам бор. Турмуш ўртоғи беморлиги туфайли рўзғор қилишда қийналиб қолишган. Бу оилага такрорий экин экиш учун 50 сотих ер ажратилиб, мош экиб берилди.

«Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракати доирасида 6 та оила асаларичиликка

жалб этилди. Масалан, Лаганди маҳалласида яшовчи Жаббор Холмуродовнинг тўрт фарзанди бор. Оила бошлиғи ногирон, хотини ва ўзи ишсиз. Бу оиланинг асалари боқиш бўйича тажрибаси борлиги ҳисобга олинди, уларга тадбиркор бир қути асалари уяси олиб берди.

«Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракати доирасида 6 та оила асаларичиликка жалб этилди.

Тумандаги 25 та дорихона раҳбари дори ва тиббий буюмларнинг нарҳини оширмаслик ҳақида огоҳлантирилди.

Туман прокуратураси ташаббуси билан «Flander rabbit» хусусий қорхонаси томонидан 2 млрд. сўмлик лойиҳа ишлаб чиқилди. У амалга оширилгач, 100 мингта қуён боқиладиган қорхонада 15 та янги иш ўрни яратилади.

Шунингдек, «Юлдуз чевар» МЧЖнинг 1 млрд. сўм инвестицияси эвазига тикувчилик цехи ташкил этилди ва 60 та

янги иш ўрни яратилди.

Шу йилнинг охиригача «Худойкулов Сарварбек Ахрорович» фермер хўжалиги раҳбари Таллиқурон маҳалласида 4 млрд. сўм инвестиция эвазига бўрдоқчилик қорхонаси қуришни режалаштирган. Унда йилига 80 тонна гўшт этиштирилади ва 6 та янги иш ўрни яратилади.

Шунга ўхшаш хайрли ишлар натижасида 1179 та эҳтиёжманд оиладан 650 таси халқ депутатлари туман кенгашининг 2020 йил 20 июлдаги қарорига асосан камбағал оилалар тоифасидан чиқарилди.

Саховат аздалан халқимиз эъозлаб келган эзгу фазилатлардан биридир. Муҳтож кишига ёрдам бериш эса энг гўзал кадриятларимиздан. Юртимизда «Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракати натижасида кемтик кўнгиллар ва рўзғорлар оқиб бўлаётгани барчамизни қувонтиради.

Алишер МИРЗОЕВ,
Қарши тумани прокурори

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 21 сентябрь куни ўсимликлар карантини соҳасидаги ислохотлар натижадорлиги таҳлилига бағишланган йиғилиш ўтказди.

МУТАСАДДИЛАР АҲВОЛИ ШУ БЎЛСА ЎҚУВЧИ ТАҚДИРИ НЕ КЕЧАР?

Навоий вилояти прокуратураси вилоят халқ таълими бошқармасида маблағларнинг тўғри ва қонуний сарфланишини текширди. Ўтказилган таҳлиллар бошқармада Бюджет кодекси ва бошқа ҳужжатлар ижросини таъминлашда қонунбузилишларга йўл қўйилаётганини кўрсатди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги «Коронавирус пандемияси ва глобал инкироз ҳолатларининг иктисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонида асосан Халқ таълими вазири томондан 24 мартда «Коронавирус пандемияси муносабати билан қўшимча карантин чоралари белгилангани сабабли халқ таълими тизимида қўшимча чора-тадбирлар белгилаш тўғрисида»ги буйруғи қабул қилинган. Унда умумтаълим соҳасидаги ходимларнинг ойлик иш ҳақи белгиланган миқдорда ва муддатда тўланиши, ортқича тўловларга, аҳолини норози қилувчи ёки кайфиятига салбий таъсир қилувчи ҳаракатларга йўл қўйилмаслиги белгиланган.

Аммо вилоят халқ таълими бошқармасида бюджет маблағи қонунда белгиланган тартибда сарфланиши устидан тизимли назорат ўрнатилмаган.

Ҳисоботларга кўра ўтган даврда про-

куратура органларига умумтаълим муассасаларида маблағларнинг ноқонуний сарфланиши билан боғлиқ 103 та текшириш ҳужжати келиб тушган бўлиб, 191 нафар шахснинг маъмурий ва жиноий жавобгарлиги масаласи ҳал этилган.

Афсусланарлиси, аксарият директор, ҳисобчи ва бошқа маъсуллар давлатнинг пулини шахсий манфаати йўлида сарфлагани натижасида вилоятдаги 103 та таълим муассасасида давлат бюджетига 599 млн. 390 минг сўмлик зарар етказилган.

Масалан, Қизилтепа туманидаги 5-мактаб директори Д.Ф. ҳамда унинг ўринбосари Ж.Ф. жиноий тил бириктириб, 24 млн. 830 минг 900 сўм пулни шахсий манфаати йўлида сарфлаб юборишган. Жиноят ишлари бўйича Қизилтепа тумани судининг ҳукми билан уларга қилмишига яраша жазо тайинланди.

Ҳатто вилоят халқ таълими бошқармасида ҳам қонунбузилишга йўл қўйилган. Жумладан, Янги йил байрами муносабати билан бошқарманинг 28 нафар ходимига

24 млн. 609 минг сўм мукофот тўланган. Бироқ ходимларга ойлик оқлад миқдори нотўғри ҳисобланиши натижасида моддий рағбатлантириш пули кам ҳисобланган. Ёки хизмат сафарига юборилган ходимнинг турар жойни ижарага олиш харажати тасдиқловчи ҳужжати бўлмаган ҳолларда ҳар бир сутка учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 фоизи миқдорда пул тўланиши белгиланган бўлса-да, бошқарма томонидан ушбу харажатлар 2 фоиз миқдорда қоплаб келингани оқибатида 34 нафар ходимга хизмат сафари харажатлари кам тўлаб берилган.

Бошқармада «Жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари тўғрисида»ги қонун талабларига ҳам риоя қилинмаган. Масалан, фуқаро Р.Қурбоновнинг 2020 йил 26 июндаги муносабатида 32-мактаб директори Г.Ж. ҳужжатларни сохталантиргани билдирилган. Ушбу муносабат эса ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилмаган. Яна бир ҳолат, фуқаро Д.Имомова 8 июлда таълим муассасаларида қонун бузилаётгани ҳақида муносабат қилган. Муносабат мазмунан кўриб чиқиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилмасдан, бошқармада юзаки кўриб чиқилган. Ҳудди шундай қонунбузилишга яна бир неча ҳолатларда йўл қўйилгани текширишларда аниқланди.

Қонуннинг 27-моддасида муносабатга унда кўрсатилган ҳар бир масала бўйича вақтларни инкор этувчи ёки тасдиқловчи аниқ асосларни ўз ичига олган жавоб берилиши лозимлиги белгиланган. Лекин бошқарма мутасаддилари томонидан қонуннинг ушбу талаби бузилган.

Масалан, фуқаро А.Намозовнинг 2020 йил 19 июнда Бош прокуратуранинг ишонч телефонида Кармана туманидаги 29-мактабда сув ва электр таъминотидаги муаммолар ва бошқа ҳолатлар ҳақида йўлланган муносабатига бошқарма томонидан 2 июлда берилган жавобда кўрсатилган ҳар бир масала бўйича вақтларни инкор этувчи ёки тасдиқловчи аниқ асослар кўрсатилмаган. Бундай хатога фуқаро Ф.Ўлмасовнинг Навоий шаҳридаги 16-мактабдан аттестатини олишда ёрдам сўраб йўлланган муносабатига жавоб хати юборишда ҳам йўл қўйилган.

Юқорида қайд этилган қонунбузилиш ҳолатларини зудлик билан бартараф этиш юзасидан вилоят халқ таълими бошқармасига тақдимома киритилди.

Иброҳим РАСУЛОВ,
Навоий вилояти прокурорининг ўринбосари
Алишер ЖАМОЛОВ,
Навоий вилояти прокурорининг катта ёрдамчиси

JARA'YON

ЗАМОНГА МОС ЯНГИЛИК

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 октябрдаги фармонида асосан Ички ишлар вазирлиги ахборот марказининг вазифалари Бош прокуратурага ўтказилди ва Бош прокуратурада Жиноий-ҳуқуқий статистика бошқармаси ташкил этилди.

Жиноий-ҳуқуқий статистика бошқармаси томонидан ишлаб чиқилган «Электрон жиноий-ҳуқуқий статистика» ягона ахборот тизимини юритиш тартиби тўғрисидаги Низом Бош прокуратура, Олий суд, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги ва Давлат божхона қўмитасининг қарори билан 2018 йилнинг 30 декабрида тасдиқланди.

Низомга кўра бирламчи ҳисобга олиш электрон статистик карталари жиноят ёки ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахслар ҳамда жабрланувчиларга нисбатан процессуал қарор қабул қилинганидан сўнг дарҳол тўлдирилиши шарт.

Карталарни тўлдиришда йўл қўйилган ноаниқлик ва бошқа

маълумотлар учун рўйхатга олиш субъектлари шахсан жавобгардир.

Карта тўлдирилгандан сўнг тегишли орган раҳбари ўзига таллуқли қисм бўйича маълумотларнинг тўлиқлиги ва аниқлигини йнгирма тўрт соат давомида текширади ва электрон рақамли имзо билан тасдиқлайди.

Рўйхатга олиш субъекти картани тўлдириб, бу ҳақда Ягона ахборот тизимидан бериладиган реестр маълумотномасини терговга қадар текширув материали ёки жиноят ишга қўшиб қўйиш шарт. Ягона ахборот тизимидан бериладиган реестр маълумотномаси бўлмаган терговга қадар текширув материали ёки жиноят ишини қабул қилишга йўл қўйилмайди.



2020 йилнинг январь ойида «Электрон жиноий-ҳуқуқий статистика» ягона ахборот тизими дастурий таъминотининг синов версияси жорий этилди. Натижалардан келиб чиқиб, март ойидан унинг такомиллашган версияси ишга туширилди.

Ягона ахборот тизимига Самарқанд вилояти бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг 600 нафардан ортқ ходими ҳамда судьялар фойдаланувчи сифатида ула-ниши таъминланди. Натижада

жиноят ишлари, терговга қадар текширув материаллари, суд муҳокамалари ҳамда қарорлари, шунингдек, айбланувчи ва жабрланувчилар, уларга етказилган зарар ва жароҳатлар бўйича маълумотларнинг ягона ҳисоби юритилишига эришилди.

Шунингдек, 2019 йилдан бошлаб жиноят ишлари ҳамда терговга қадар текширув материалларига электрон тартиб рақамлари берилиши йўлга қўйилди ва статистик карталарни қозғош шаклида қабул қилиш

тўхтатилди.

Жиноий-ҳуқуқий статистикага ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилиши:

- жиноят содир этилган ҳудуд ва вақтни геонформацион харитада онлайн режимда намойиш этиш;
- жиноятчилик ҳолатини кунлик мониторинг қилиш;
- жиноятнинг сабаблари, шунингдек унинг олдини олиш чораларини кўриш имконини беради.

Ягона ахборот тизимидан фойдаланиш натижасида вилоят бўйича 2020 йилнинг ўтган даврида ички ишлар органларига тўртта ва прокуратура органларига битта карта маълумотларга аниқлик киритиш учун қайтарилди. Шу тарихқа карталардаги маълумотларнинг ҳаққоний, сифатли ва тўлиқ бўлишига эришилмоқда.

Азим САТТАРОВ,
Самарқанд вилояти прокуратураси бўлим бошлигининг ўринбосари

ХУСУСИЙ МУЛК ДАХЛСИЗЛИГИ: МУАММО ВА ТАКЛИФ

Хусусий мулк бозор иқтисодиётининг асосидир. У дахлсиз бўлиши керак. Хусусий мулкчиликнинг ривожланиши нафақат мулкдорга, балки давлатга ҳам солиқ тўловлари орқали наф келтиради.

Ўзбекистоннинг 1990 йил 31 октябрдаги «Мулкчилик тўғрисида»ги қонунда биринчи марта хусусий мулк алоҳида эътироф этилди, 1991 йил 19 ноябрдаги «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонун эса мулкдорлар тоифасини шакллантириш имконини берди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида хусусий мулк дахлсизлиги ва давлат ҳимоясидалиги тан олинди. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳоллардагина мулкдан маҳрум этилиши мумкинлиги белгиланди.

Фуқаролик кодексига кўра, ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли. Қонун билан ман этилган айрим ашёлардан ташқари ҳар қандай мулк хусусий мулк объекти ҳисобланиб, фуқаролар ва давлатга қарашли бўлмаган юридик шахслар хусусий мулк ҳуқуқининг субъекти бўлиши мумкин.

Хусусий мулк дахлсизлигини ва ҳимоясини янада кучайтириш мақсадида 2012 йил 24 сентябрда «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун қабул қилинди.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ва Жиноят кодексига 2015 йилда ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, назорат қилувчи, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ва ташкилотларнинг мансабдор шахси ёки хизматчиси мулкдорга зарар етказгани учун жавобгарлик белгиланди. Шундай ҳаракатни содир этганлар 7 йилгача озодликдан маҳрум этилиши мумкин.

Жиноят-процессуал кодексининг 211-моддасига 2017 йил 16 октябрда қўшимча киритилиб, жиноят иши тугатилганда гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига, маҳкумга тегишли бўлмаган мулк қонуний эгаларига, мулкдорларига ёки уларнинг ҳуқуқий ворисларига, меросхўрларига қайтариб берилиши белгиланди. Бу соҳадаги ислохотлар давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги 5780-фармонида мансабдорлар ҳар қандай ваз билан хусусий мулкни, шу жумладан, аввал хусусийлаштирилган мулкни олиб қўйиш, асоссиз бузиб юбориш қайтариб берилиши аниқлаб етмаётгани танқид қилиниб, хусусий мулкнинг

дахлсизлиги ва ҳимоясига қаратилган қонун нормаларига қатъий риоя қилишлари ҳақида расман огоҳлантирилди.

Хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасида прокуратура органлари томонидан бир қатор ишлар амалга оширилган. 2019 йилнинг ўзида мулкдорларнинг ҳуқуқини бузган 204 нафар мансабдор интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилган, 62 та жиноят иши қўзғатилган. Ноқо-

шундан 164 таси қаноатлантирилган.

Ушбу модда аксарият ҳолларда нотариал тартибда тузилиб, давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт бўлган турар жойга оид битимларга нисбатан ҳам татбиқ этилиб, амалиётда муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Масалан, фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро судининг қарори билан даъвогар М.К.нинг жавобгар А.В.га тегишли уйни оғзаки равишда сотиб олгани тўғрисидаги тилхати олди-сотди шартномаси деб эътироф этилган.

Кейинчалик тарафлар ўртасида олди-сотди бўлмагани, М.К. тилхатни сохташтиргани

5 йил давомида О.Д.нинг мулки К.М.нинг мулки бўлиб келган.

Фуқаролик кодексининг 112-моддаси биринчи қисмида битимнинг нотариал шаклига ёки уни давлат рўйхатидан ўтказиш талабига риоя қилмаслик битимнинг ҳақиқий эмаслигини келтириб чиқариши, бундай битим ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаслиги белгиланган.

Ушбу модданинڭ иккинчи қисми шу модданинڭ биринчи қисми талабига зид бўлиб қолмоқда.

Олди-сотди тилхатни уйнинг олди-сотди битими деб эътироф этиш амалиётига чек қўйиш мақсадида ушбу модданинڭ 2-қисмини кодексдан чиқариш лозим.



нуний қарорларни бекор қилиш ва қонунга мувофиқлаштириш юзасидан 377 та протест, қонунбузилишларни бартараф этиш юзасидан 111 та тақдимнома, судларга мулкдорларнинг манфаатини қўзлаб 1,4 млрд. сўмлик 129 та даъво аризаси киритилган.

Амалиётдаги айрим муаммолар ушбу соҳадаги қонунчиликни такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Бу борада қуйидаги таклифларни билдираемиз:

1. Фуқаролик кодексининг 112-моддаси иккинчи қисмида агар тарафлардан бири нотариал тасдиқлаш талаб қилинмаган битимни тўла ёки қисман бажарган бўлса, иккинчи тараф эса битимни нотариал расмийлаштиришдан бош тортса, суд битимни бажарган тарафнинг талаби бўйича уни ҳақиқий деб ҳисоблашга ҳақлидир, бу ҳолда битимни кейинчалик нотариал расмийлаштириш талаб қилинмайди деган қоида белгиланган.

Таҳлилларга кўра, фуқаролик ишлари бўйича судларда битимни ҳақиқий деб топиш тўғрисида 2019 йилда 357 та иш қўрилиб,

аниқланиб, у жинойий жавобгарликка тортилган. Суд қарори прокурорнинг протестига асосан бекор қилинган. Лекин бунгача низоли хонадонни М.К. учинчи шахсга (инсофли эгалловчига) сотиб юборган.

Яна бир мисол: фуқаролик ишлари бўйича Қумқўрғон туманлараро судининг 2015 йилги ҳал қилув қарори билан

Шунда кўчмас мулк олди-сотдиси билан боғлиқ битимлар нотариал шаклда тузилиб, давлат рўйхатидан ўтказилиши шартлиги ҳақидаги қондан айланб ўтиш имкониятига чек қўйилган бўлади. Йиллар давомида тугамайдиغان низоларнинг олди олинмади.

2. Фуқаролик кодексининг 187-моддасига кўра кўчмас

Ўтган йили мулкдорларнинг ҳуқуқини бузган 200 нафардан ортиқ мансабдор жавобгарликка тортилган.

К.М.нинг вақтинча Қозғоғистонда бўлган О.Д.га тегишли уй юзасидан тузилган оғзаки олди-сотди битими ҳақиқий деб топилган. Даъвогар томонидан бирорта ёзма хужжат ёки тилхат судга тақдим этилмаган.

О.Д. 2019 йилнинг июнь ойида суд қарорини бекор қилишни, даъвогарнинг даъвосини рад этишни сўраб шу судга шикоят қилган.

Иш судда қайта қўрилиб, 2020 йил август ойида даъво қўрмасдан қолдирилган. Натижада

мулкка 15 йил давомида ўзиники каби ҳалол, ошқора ва узлуксиз эгалик қилган шахс бу мулкка мулк ҳуқуқини олади.

Амалиётда бу модданинڭ қўлланиши бўйича ҳам муаммо бор.

Масалан, фуқаро Б.Э. 1996 йилдан буён ўзига тегишли иккита хонадонни хабар олиб туриш учун таниши М.К.га қолдириб кетган.

Орадан 20 йил ўтиб, 2016 йилга келиб, М.К. судга ариза билан мурожаат қилиб, ФКнинг

187-моддасига асосан юқорида кўрсатилган иккита хонадонга мулк ҳуқуқини белгилаб беришни сўраган.

Суднинг қарори билан даъво қаноатлантирилган. Ушбу иш бир неча йил турли суд инстанцияларида қўрилиб, суднинг 2019 йил 7 октябрдаги қарори билан даъво рад этилган. Ушбу қонуний қарор қабул қилинганига қадар хонадоннинг қонуний эгаси 3 йилдан зиёд сарсон бўлган.

Шу каби амалиётга чек қўйиш мақсадида қонуний мулкдори бўлган мулкларга ФКнинг 187-моддасида кўрсатилган қоида татбиқ этилишини ман қилувчи қондан киритиш лозим.

3. Фуқаролик кодексининг 191-моддасида ашёни эгасиз деб топиш қоидалари белгиланган. Бу борада ҳам муаммо бор.

Масалан, суднинг 2016 йил 17 мартдаги қарори билан Ангрен шаҳар ҳокимлигининг марҳум С.А.га тегишли уйни эгасиз деб топиш ҳақидаги даъвоси қаноатлантирилган.

Ота-онаси ажрашгач, Л.А. онаси билан яшаб келган. У 2019 йил декабрь ойида судга мурожаат қилиб, онаси билан яшагани сабабли уй эгасиз деб топилганидан хабари бўлмади қолганини билдириб, суд қарорини бекор қилишни сўраган. ФКнинг 191-моддасида айнан шундай вазиятни тартибга солувчи аниқ қоида бўлмагани учун суд ушбу мурожаатни рад этган.

Шу сабабли вафот этган шахсга тегишли мулк эгасиз деб топилганда меросхўрларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи аниқ қоида белгиланиши лозим.

4. Суд амалиётида кўчмас мулк жойлашган ердан фойдаланиш ҳуқуқининг қиймати суд экспертизаси томонидан баҳолашиб, ушбу қиймат асосида суд қарори қабул қилинади.

Масалан, Мирзо Улуғбек туманида 515 кв. метр ерда жойлашган 103 кв. метрли уй бўйича меросхўрлар ўртасидаги низо юзасидан Республика суд экспертиза маркази томонидан бино 117,5 млн. сўмга, ердан фойдаланиш ҳуқуқи қиймати эса 663,5 млн. сўмга баҳоланган. Шунга асосан суд даъвогардан меросхўрларнинг бирига тўртдан бир қисм миқдоридagi улушини, яъни 165,8 млн. сўмни ундириб бериш ҳақида қарор чиқарган.

Ердан фойдаланиш ҳуқуқининг қийматини белгилашга доир қоидалар моддий ҳуқуқ нормаларида мавжуд эмас. Бу борада ҳам таклиф тайёрлаш зарур.

Шухратжон МУСТАФАЕВ,
Бош прокуратура бошқарма бошлиғи

Коронавирус пандемияси бутун дунёни таҳликага солиб қўйди. Тождор вирус сайёраимизда ҳаёт бир маромда давом этаётган пайтда тўсатдан пайдо бўлди. Оддий иситма ва йўтал бундай даҳшатли оқибатларга олиб келишини ҳеч ким кутмаган эди.

Бу офат нега келди? Чунки феъл-и-мизда нуксонимиз борки, шунга жавоб бераёلمиз. Тарихдан биламизки, қачон инсонларнинг феъл-и-ида бузилиш пайдо бўлганда балога учраган. Энди бошқаларни қўйиб ўзимиз ҳақида гапирайлик.

Ўзини такводор деб билган диёнатли одамлар қандай бўлиши керак?.. Айтайлик, гуллаб-яшнаётган давримизда коронавирус деган касаллик пайдо бўлибди, саримсоқ ва лимон ундан асрар эмиш деган хабар тарқалса, ишончим комилки, бу каби инсонлар ўша заҳоти ана шу маҳсулотларнинг нархини арзонлаштириб, бева-бечораларга текин тарқатишарди. Бизда-чи?.. Эл бошига иш тушганда дардига дармон бўлиш ўрнига озик-овкатлар, дорилар ҳамда вирусдан ҳимояланувчи никобларни сотиш ёки йўлқира нархини сунъий равишда ошириш пайда бўлган ҳамюртларимиз кўпайди. Масалан, эсимизга тушганда беш-олтига олиб совуткичнинг бир четига ташлаб қўядиган саримсоқнинг нархи бир зумда 90 мингга, килоси 6 минг бўлиб турган лимон эса 30-40 мингга кўтарилиб кетди. Дориларнинг нархини эса бир неча баробар ошириб олишганини эслатишга ҳожат йўқ. Нархи кўтарилгани ҳам бир нави, қўлингидagi рецепта ёзилган дорини топа олмастикдан ёмони йўқ экан. Афсуски, дорихонада топилмаган дориларни кўчадан нарх неча баробар қиммат нархга бемалол топса бўладиган пайтларга ҳам гувоҳ бўлдик.

Вирис балоси кўп қатори бизнинг оилани ҳам четлаб ўтмади. Шифокорлар аёлимга иккитомонлама зотилжам ташхисини қўйишди. Зудлик билан чора кўрилмаса нафаси сиқилиб қолиши, оқибатда эса ундан ажралиб қолишимизни тушунтиришди. Пульмонолог шифокор «тезда олиб келинг» дея қўлимга дорилар рўйхатини тутқазди. Ундаги тўрт-беш дори дарҳол топилди. Шифокор ҳам вазиятдан хабардор экан шекилли, қон суюлтириш учун қилинадиган тўрт хил дорини ёзиб бериб, «қайсини топсангиз ҳам олаверинг» деди.

Пойтахтда дорихонадан кўпи бўлмаса керак. Қаерда каттароқ шифохона бўлса, атрофида ҳар қадамда дорихона. Кун бўйи ўша дорини кидирдим, ҳатто дорихоналар маълумотхонаси берган ўнлаб телефон рақамларига ҳам бирма-бир қўнғирок қилиб чиқдим. Улар ё банд бўлади, ё гўшақни ҳеч ким кўтармайди. Хуллас, Тожкентдек азим шаҳардан қон суюлтирадиган дори топилмади. Буюқда шу дорини сўраб ҳар соатда хабар олишди. Охириги қирган дорихонада бир одам «бунақа дорини фалон жойдаги дорихонадан топасиз» деди, манзилини сўрасам бир телефон рақамини берди. Ноилж ўша рақамга қўнғирок қилдим. Хайтовур, гўшақ кўтарилди. Дориларнинг номини ўқидим. Нариги томондан мулоимлик билан гапирётган одам



ЗАМОНАВИЙ «ҲОЖИ АКА»ЛАР

ЁКИ ИШОНЧГА КИРИШНИНГ ЯНГИ УСУЛИ

хаммаси борлигини айтди. Чехрам ёришиб, «ўнта керак» дедим. «Ўнтаси уч миллион бўлади, манзилни айтсангиз ўзимиз обориб берамиз» деган жавоб бўлди. Анчадан буён бу дорини сотиб олмаганимга, нархи анча баланд туюлса-да, ичимда ўзи шунақа қиммат бўлса керак деб ўйладим. «Иншооллох, икки соатда етказамиз», – деди халиги одам.

Аёлимга қараётган ҳамшира «дорини топдингизми?» деб яна қўнғирок қилди. «Топдим, икки соатда олиб келиб беришди» дедим. «Қанчадан экан?» деди қизиқиб. Демак, бошқа беморларнинг яқинлари ҳам бу дорини топишга қийнаётган бўлса керак-да. «Донаси 300 минг сўмдан экан» десам, ҳамшира «эх-хее» деб хуштак чалди гўшақни ҳам қўймай.

Халиги одам икки соатга қолмай менга қўнғирок қилди ва айтилган манзилга етиб келганини билдирди. Машинадан бошига оқ дўппи кийган, қалин соқоли, 45-50 ёшларга кирган одам турибди. Бир қўлида тасбех. «Дори сизга элимми?» дея салом-алик қилди. Ҳар гапига Аллохни қўшиб гапирарди. Салом-алиқдан кейин «мана дори, қўриб олинг, фақат нархи озгина ошибди, 350 мингдан бўлди» деди. Кейин «етказиш ҳақига 50 минг сўм берасиз» дея қўшиб қўйди. Ёнимдаги ҳамроҳимнинг бу воқеалардан хабари бор эди. Қолаверса, у асаби чатоқроқ, чапани одам бўлгани учун дорининг нархига яна 50 мингдан қўшиб қўйганига чидай олмади. «Қани, беринг-чи» дея дориларни олиб, бирма-бир қўздан кечирди. Менга қараб «манавини қара» деб қолди. Қарасам дорилардан бирининг устига «35 минг» деб ёзилган экан. «Инсофингиз борми, ака?» дея ўша одамга танбех берган эди. у «майли, сизлар 300 минг сўмдан бераверинглар» деди. Бу гапдан ҳамроҳимнинг фигони фалакка чиқди. Энди танбех сўкишга айланди. «Бу сохта такводорни ушлаб тур, мен хозир департаментга қўнғирок қиламан» деди. «Бундай пайтда қўнгилга шу сиғадими, қўй» деб уни четга тортдим.

Бакир-чакирини эшитиб, нарироқда машинасининг олдида турган одам келиб мижозрога аралашди. Ҳамроҳимдан нима гаплигини билгач, у ҳам ўша одамга танбех бера бошлади. Четдан аралашгани учун дори эгаси ўша одамга

«сиз нимага аралашасиз, жуда инсофли бўлсангиз, ўзингиз топиб беринг» деди кесатиб. Бу гапдан бояги одамнинг газиби кайнаб, «доринг керакмас, йўқол, инсофсиз» деб уни ҳайлади. У дориларини олиб машинасига ўтирди-да, бизга зарда қилиб, газни босиб, қорасини ўчирди.

«Базўр топгандим, ака, бекор қилдингиз-да» дедим. «Устига шунчама қўядими, ўзим топиб бераман» деди у. Ўзи вақтдан ютказаямиз, бу уқолни тезроқ беморга қилиш лозим эди. Халиги одам уч-тўрт жойга қўнғирок қилгандан сўнг олдимга келиб, манзилни тушунтирди. «Муаммо бўлса қўнғирок қиласиз» деб телефон рақамини ҳам бериб кетди.

Унга миннатдорчилик билдириб, айтилган жойга борсам, бир одам кутиб турган экан, қўлимга дориларни тутқазди. Нархини сўрасам, «беморингизга шифо берсин, дуо қилсангиз бўлди» деди. Қўзларимдан ёш чиқиб кетди. Раҳмат айтиш учун бояги акага қўнғирок қилдим, аммо кўтармади. Орадан бироз вақт ўтгач эса «узр, кўтара олмадим, шифосини берсин» деган хабар келди. Менга ёрдам берганларнинг кўриниши такводор бўлмаса-да, дили пок инсонлар экан.

Бир танишимга такводор «дорифуруш»нинг ноинсофлиги ҳақида айтиб берсам, «замондан орқада қолганмисан, хозир бу мода-ку? Одамларнинг ишончига кириш учун фирибгарлар шундай қилишяпти. Ўзим ҳам шунақа одамларга насияга 20 тонна узум бериб, хозиргача пулни оловмай юрибман» деди. «Хозир бундай «ҳожиди ака»лар сафи анча кенгайиб кетди» деб қўшиб қўйди.

Хабарингиз бор, ўша касаллик кўпайган пайтда дорихоналарда «Эргоферон» ва «Арбидол» дорилари ҳам ўз-ўзидан йўқ бўлиб, ноинсоф одамларнинг қўлига ўтиб кетди. Мазкур ҳолатни бартараф қилиш учун оловмай юрибман мутасадди органларга вазибалар юкланди.

Одамларнинг мухтожлигидан фойдаланиб пул топишни мақсад қилган шахслар ҳуқуқ-тартибот идоралари ўтказган тадбирларда бирин-кетин қўлга олинди. Афсусланадиларки, айрим аёллар ҳам ўзларидан такводор ясаб, шу иш билан шуғулланаётган экан. Бундайларга эҳтиёж ошган дориларни етказиб бериб, танкисликка сабабчи бўлаётган дорихона эгаларига ҳам чора кўрилди.

– Шариятда сотувчи сотиладиган молни шунчага сотсин ёки сотмасин деб тайин қилинмаган, лекин одамларга зулим етадиган даражада халдан зиёд қиммат сотиш жоиз эмас, – дейди **Тожкент шаҳридаги «Кулолқўрғон» жоме масжиди имоми ноиб Баҳодир Мухаммадиев**. – Шаръан бир киши бозорда унинг могова ўхшаш мол қолмагани сабабли ёки биронинг уни олишга мажбурлигини биллиб ё харидор содда бўлгани боис молини бир неча баробар қиммат сотиши диёнатсизлик ҳисобланади.

Шайх Баний Тамимдан ривоят қилинади: «Али розияллоху анху бизга: «Набий соллаллоху алайҳи васаллам мажбур бўлган киши билан савдо қилиш, алдаб сотиш, пишмасдан олдин мевани сотишдан қайтарганлар» деб хутба қилдилар» (Имом Аҳмад ривояти).

Жобир розияллоху анхундан ривоят қилинади: «Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Сотганда, сотиб олганда ва ҳаққини талаб қилганда қарамли бўлган одамни Аллоҳ раҳм қилсин» дедилар» (Бухорий ва Термизий ривоят қилишган).

Ҳақиқий мўмин-мусулмон одам ўз биродарига ёрдам беришга шошилиши, унинг оғирини енгил қилиш пайдан бўлиши лозим.

Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам айтдилар: «Ким бир мўминдан бу дунё машаққатларидан бирини аритса, Аллоҳ таоло ундан қиёмат куни машаққатларидан бирини аритди. Ким бир камбағалнинг ипсини енгиллатса, Аллоҳ таоло унинг бу дунёю охират ишларини енгиллатади. Ким бир мусулмоннинг айбини беркитса, Аллоҳ унинг айбини бу дунёю охиратда беркитади. Модомики банда ўз биродарининг ёрдамида экан, Аллоҳ ҳам унинг ёрдамида бўлади» (Имом Муслим ривояти).

Ўқоридаги каби шахслар нафақат содда одамларга зиён етказмоқда, балки динимизга ҳам доғ туширмоқда. Шунинг учун бундай қимсаларнинг фаолиятига чек қўйиш учун дин пешволари, уламолар халқ орасида тарғибот ишларини кенгрок олиб боришлари керак. Айниқса, ёшларимизни бундай сохта такводорлар домига тушиб қолишдан асрашимиз лозим.

Қамолддин АСҚАРОВ,
«Нидо»

ОҚИБАТ БАРДАВОМ, ҚАДРИЯТЛАР БАРҲАЁТ

Одамлар қачон давлатдан, ҳаётдан рози бўлади? Муаммоларига ечим топа олса, бу борада қайғурадиганлар бўлса. Қийинчиликларни енгиб ўтишда суянч бўлувчилар борлигига ишонса. Бугунги давр нафақат юртимизда, балки бутун дунёда ғоят мураккаб, синовли кечмоқда. «Covid-19» хавф солмаган, таъсир қилмаган давлатнинг ўзи қолмади. Халқ хўжалигининг ҳар бир жабҳасида, ҳар бир оила ҳаётида бунинг салбий таъсирини кўриб-билиб турибмиз. Бу балони енгиб ўтиш учун жиддий чора-тадбирларни амалга ошириш тақозо этилади.

Албатта, биз Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 январдаги «Худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросига шу жиҳатдан ёндашяпмиз. Аввало, сайёр қабуллар орқали аҳолининг ҳаёт тарзи, муаммолари, ўй-ташвишларини ўрганаёямиз.

Табийки, Андижон вилояти прокурори раҳбарлик қилаётган 2-сектор худудидagi маҳаллаларда меҳнатга лаёқатли одамларнинг ҳаммаси ҳам ишлари деган ҳақли савол тугилади. Яшириб нима қилдик?! Афсуски, йўқ! Уларнинг бандлигини таъминлаш муҳим ва бу кўплаб муаммоларнинг ҳал этилишига хизмат қилади.

2020 йилнинг 27 августидан 11 сентябрга қадар Андижон вилояти прокурори раҳбарлигидаги гуруҳ томонидан аҳоли, айниқса, аёллар ва ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлаш, муаммоларини ҳал этиш мақсадида вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида 24 марта учрашув ўтказилди.

Қайд этиш жоизки, сайёр қабуллар оралиқ масофа сақланган, санитария қоидалари ва карантин талабларига риоя қилинган ҳолда ташкил этилди.

Мазкур учрашувларда 891 киши қатнашиб, 608 нафари турли масалалар билан мурожаат қилди. Хусусан, 146 киши



ишга жойлаштириш, 113 нафари тадбиркорлик билан шугулланиш учун кредитга тикув дастгоҳи олиш, 84 нафари гўзаллик салони, косибилик билан шугулланиш учун ускуна, тикувчилик учун айланма маблағ сўраб ва бошқа масалаларда мурожаат этган бўлса, 79 нафар фуқаронинг мурожаати ҳал қилиш учун вилоят прокурорининг назоратига олинди. Қолган 529 кишининг муаммолари жойида ҳал этилди. Мурожаатларни кўриб чиқиш жараёнида 27 таси бўйича ҳукукий тушунтириш берилди.

Масалан, Булокбоши туманида ўтказилган қабулда Истиклол маҳалласида

яшовчи Ў.Тўйчиева ишга жойлаштириш истагини билдирди. У туман тиббиёт бирлашмаси поликлиникасига ҳамшира вазифасига ишга жойлаштирилди, Фаровон маҳалласида яшовчи Г.Одилова ҳамда Учқўча маҳалласида яшовчи Х.Абдумуталова 2- ва 5-мактабларга ўқитувчи вазифасига ишга қабул қилинди.

Бандлик масаласи барча замонларда ҳам муҳим бўлган. Қўргонтепа туманидаги учрашувда 46 нафар аёл иштираётган эди, уларнинг 17 нафаридан турли мазмундаги мурожаатлар қабул қилиб олинди. Ш.Султонова, С.Мамажонова

ва Г.Низомованинг эчки ва товуқ олиш истаги қаноатлантирилди. Шунингдек, Н.Абдуллаева, Г.Ахмадалиева, Н.Дехконова, Д.Абдуллаева, Д.Позилова ва М.Юсуповага хунармандчиликни ривожлантириш учун имтиёзли кредит берилди. Бундан ташқари, 7 нафар кишига тикув машинаси берилди, бир киши ишга жойлаштирилди.

Хонобод туманидаги учрашувда ёшлар фаоллик кўрсатди. Шу кунги 17 кишининг мурожаати ҳал этилди, 2 нафариники назоратга олинди. Масалан, Юқсалиш маҳалласида яшовчи Г.Тўражонова ва Янғихаёт маҳалласида яшовчи Р.Жумаоҳунова жўжа боқиб орқали ўз даромадларини ошириш нияти борлигини билдиришди. Мазкур мурожаат жойида ўрганиб чиқилиб, таъминотчи корхоналар томонидан уларнинг ҳар бирига 100 тадан жўжа олиб берилди.

Бўстон туманида 13 нафар аёлга тикувчилик, иссиқхона, қандолатчилик ва бошқа йўналишларда фаолият юритиши учун кредит олишига қўмақлашилди. 4 нафарига моддий ёрдам ажратилди, 4 нафарига даволаниш учун бепул йўланма берилди, 2 нафари ишга жойлаштирилди. Умуман, шу кунги 28 аёлининг турли мазмундаги мурожаатлари қаноатлантирилди, 9 таси назоратга олинди.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Кўриб турганимиздек, бугунги синовли кунларда муҳтожларга ўз вақтида кўрсатилган ёрдамнинг аҳамияти жуда катта. Халқимизга сидқидилдан, бор кучимиз, билим ва салоҳиятимиз билан хизмат қилишда давом этамиз.

Бахтиёр ХУДАЙБЕРДИЕВ,
Андижон вилояти прокурорининг ўринбосари

JINYOAT HAQIQATI VA ADOLATI

ЎН ЙИГИТ МУШТНИ БИР ЖОЙГА УРГАНИДА ЭДИ...

Суд мажлиси. Судланувчилар – навқирон ўн йигит. Эскилар айтганидек тоғни талқон қилгудай келбатли бу йигитларни нима етаклаб келди бу ерга?... Уларнинг тенгдошлари чемпион бўлиб, юрт байроғини баланг кўтаришяпти. Олим бўлиб, элга нафи тегадиган ихтиролар қилишяпти. Кўпчилиги бировга зарари тегмай, ўз кунини ўзи кўриб юрибди. Булар-чи? Бекорчиликдан жиққамушт бўлиб, бир-бирларини қонга белашибди...

Жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судида ана шу ўн йигитга оид жиноят иши кўрилади.

2020 йилнинг 8 январь кунги Шаҳзод машинасида кўчага чиқиб, уйи ёнидаги сартарошхона ёнида тўхтади. У ерда акаси Оятуллох танишлари Мухриддин, Бекзод, Бобир, Сардор, Валижон ва Равшан билан гурунлашиб турган экан. Шаҳзод улар билан саломлашди.

– Сен бу ёққа қара, гап бор, – деди Мухриддин Шаҳзодга қараб.

Шаҳзоднинг кўнгли бир нарсаларни сезгандай бўлди-ю, сир бой бермай унга эргашди.

У бир йилча аввал Мухриддин Равшанов билан телефонда каттик тортишиб қолган эди.

Кўп қаватли уйнинг ён томонига ўтишди.

– Сен мени телефонда сўққанмидинг? – куттирмасдан жанжални бошлаб юборди Мухриддин.

Ўртада яна гап қочди. Мухриддин ёнидан пичоқ чиқариб таҳдид қилишга ўтди. Шу пайт уларнинг ёнида тўхтаган машинадан Бекзод ва Бобир тушиб келиб, йигитларни ажратмоқчи бўлишди. Бирок Мухриддиннинг қўлидаги пичоқ Шаҳзоднинг жағи ва чап елкасини тилиб ўтди. Шаҳзод бақирганича акаси Оятуллохни

ёрдамга чакирди. Акаси Равшан, Сардор ва Валижон билан бирга югуриб келди.

Яна бирови пичоққа ёпишди, қолганлари қўлларига тош олиб ота бошлашди. Мухриддин ошналари Бекзод ва Бобир билан бирга тош отганича улардан қоча бошлади. Бу орада бу томондан Оятуллох, иккинчи томондан Бекзод жароҳатланди. Шаҳзод қоқайтганларни таъкиб қилар экан, ёнидаги пневматик тўппончадан ўқ узишга ҳам улгурди...

Мухриддин улардан қочиб, кўп қаватли уйнинг дахлизига кирган вақтида Шаҳзод, Оятуллох, Равшан, Сардор ва Валижон қувиб бориб уни уш-

лаб олишди. Йигитни йиқитиб олиб, роса тепкилашди. Ҳатто сонига пичоқ ҳам санчиб олишди. Шаҳзод Мухриддиннинг қонга беланган аянчли аҳолини телефонда видеотасвирга олиб, ижтимоий тармоқларда тарқатди. Вокса жойига ички ишлар ходимлари етиб келишгачгина муштумзўрлар қочиб қолди...

Афсуски, муштумзўрлик бу билан тугамади. Оятуллох, Равшан ва Сардор телефонда танишларига Мухриддин Шаҳзодга пичоқ ургани ҳақида гапириб беришди. Тез орада бу учовлонга танишлари Равшан, Аслиддин, Санжар, Нурбек, Достон ҳам келиб қўшилди. Улар Республика шопинг тиббий ёрдам илмий маркази Қашқадарё филиалида ҳозир бўлишди. Шифохонага олиб келинган Мухриддиннинг таниши Бобир дори-дармон олиб бораётганини кўриб қолиб, уни қувлаб кетишди. Бобир шифохонага кириш жойида жамоат

тартибини сақлаб турган миллий гвардия ходимларининг хизмат хонасига қочиб кирди. Аммо муштумзўрлар тўхташни хаёлларига ҳам келтирмасдан Бобирни дўпослай кетишди...

Суд мажлисида судланувчиларнинг қилмишларига қонуний баҳо берилди. Суд ҳукмига кўра Шаҳзод Узоқов, Оятуллох Абдуллаев, Равшан Бобоназаровга 2 йил 6 ойдан, Сардор Равшановга 3 йил 2 ой, Валижон Иброҳимов, Аслиддин Пиримов, Достон Муродов ва Санжар Нажмиддиновга 2 йилдан, Нурбек Қўлдошевга 1 йил 6 ой, Мухриддин Равшановга 3 йил 2 ой озоқликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Уларга қараб хаёлингиздан бир ўй ўтса ажабмас. Шундоқ йигитлар ростан ҳам муштни бир жойга урганларида тоғни талқон қилар эди...

Шерниёз УМИРЗАКОВ,
Қашқадарё вилояти прокурорининг ўринбосари



FAOLIYATIDAN

ИМКОНИАТНИ СУИСТЕЪМОЛ ҚИЛМАНГ!

Мамлакатимизда тадбиркорлар учун қулай шароит яратилмоқда. Бундан кўзланган мақсад аввало аҳоли турмушини яхшилаш, қолаверса иқтисодий барқарорликка эришишдир. Бироқ айрим тадбиркорлар солиқ тўлашдан бўйин товлашмоқда.

Жондорлик Ҳасан Сафаров «Biznes country gold» масъулияти чекланган жамияти раҳбари сифатида савдо ва хизмат кўрсатиш билан шуғулланади. Ноқонуний бойлик ортиришни кўзлаган тадбиркор кириш хужжатлари бўлмаган 4 млрд. 885 млн. 648 минг сўмлик товарларни сотиб жиноят қилган.

Бундан ташқари, солиқ тўлашдан бўйин товлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг «Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда «Фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарининг қўлланишини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари талабини қўпол равишда бузиб, 2019 йил 17 апрелдан йил якунигача 16 млрд. 909 млн. 409 минг сўмлик товар айланмасини амалга оширган. Аммо ҳисоботларда 10 млрд. 735 млн. 278 минг сўм деб кўрсатган. Шу тариқа 567 млн. 787 минг сўм солиқни тўлашдан бўйин товлаган.

Ҳасан Сафаров жиноят оқибатида давлат бюджетига етказилган зарарни қоплади ва жавобгарликдан озод қилинди. Аммо гап масаланинг бошқа жиҳатида. Яъни яратилган имконият ва имтиёزلарни суиистеъмол қилган тадбиркорлар хатосидан хулоса чиқаришлари керак. Бағрикенглик ҳар қандай хато кечирилади дегани эмас.

Дилмурод АКОБИРОВ, департаментнинг Жондор тумани бўлими бошлиғи



Шу кунларда Бош прокуратура ҳузуридаги департаментнинг Хораэм вилояти бошқармаси ҳамда унинг ҳудудий бўлимлари ходимлари тадбиркорлар ҳузурида бўлиб, уларнинг муаммоларини бартараф этишга кўмаклашмоқда.

ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК ГАРОВИ

Карантин жорий этилиши айрим корхоналарнинг фаолияти тўхтаб қолишига сабаб бўлди. Департамент органлари махсулотларини реализация қилолмаётган 94 та корхонанинг 56 тасига кўмак берди. Хива туманидаги «Хива силк фабрика» масъулияти чекланган жамияти асосан пиллани қайта ишлаш, ипак ил ва газлама ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Карантин даврида бу ерда ҳам иш бироз сусайган эди.

– Асосий мақсадимиз ишлаб чиқарётган махсулотларимизни экспорт қилиш, – дейди **корхонанинг молиявий менежери Оллаберган Жабборов.** – Корхонамиз фаолиятини яхшилашда департамент ходимларининг ҳиссаси катта. Уларнинг кўмаги билан банкдан имтиёзли кредит олдик ва хориждан замонавий дастгоҳларни олиб келиб, ишга туширдик. Энди корхонамиз фаолиятини кенгайтириб, қўлда тўқилаётган ипак гиламлар экспортга асосий эътиборни қаратмоқчимиз.

Ушбу корхона вилоятнинг туризм ривожланган ҳудудларида дўконлар очмоқда. Бу эса Хоразмга келувчи сайёҳлар учун анча қулайлик яратади.

Корхонада ташкил этилган тадбирда пиллани қайта ишлаётган ёшларнинг ҳамда гиламдўз хотин-қизларнинг тақдирлари ҳам тингланди.

– Икки йил олдин уйда ишсиз эдим. Туманимизда иш бошлаган корхонага ишга жойлашдим. Бу ерда ходимлар учун барча шароитлар яратилган. Яқинда соҳам бўйича малака ошириб, замонавий технологиялар асосида ипак гилам тўқишнинг янги услубларини ўрганиб келдим, – дейди **корхона ишчиси Фарид Жуманиёзова.**

Ана шундай тадбир Урганч туманида жойлашган куёнчилик фермасида ҳам ташкил этилди. Ушбу масъулияти чекланган жамиятда Италия ва Франциядан келтирилган наслдор куёнлар кўпайтирилади. Бу ерда боқилаётган зотдор куёнлар аҳоли ва хонадорларга етказиб берилмоқда. Кор-

хона маҳаллий бозорни ҳам куён гўшти билан таъминлаяпти. Карантин сабабли бу ерда ҳам иш бироз камайган эди. Энди куёнлар шартнома асосида вилоятнинг барча ҳудудларига етказиб бериладиган бўлди. Шунингдек, 15 та дехқон бозори, савдо мажмуаларида биринчи қўл тамойили асосида куён гўштининг сотуви йўлга қўйилди.

– Тадбиркорлик субъектларига ёрдам бериш орқали ҳудудларда янги иш ўринларини яратишга эътибор қаратаёلمиз, – дейди **департаментнинг вилоят бошқармаси бошлиғи Ғайратжон Султонов.** – Хусусан, ўтган 8 ой давомида департамент ходимларининг кўмаги билан 402 та тадбиркорлик субъекти рўйхатдан ўтди ва 4125 та иш ўрни яратилди.

Тадбиркорликнинг ривожини иқтисодий барқарорликнинг гаровидир. Бу борадаги тарғибот тадбирлари давом эттирилмоқда.

Дилрабо КУРЯЗОВА, журналист

ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ МАШМАСИ

Иродали одам асло нафснинг қули бўлмайди. Унда виждон бўлади. Аммо Фахриддин Мама-товда (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ирода етишмасди чоғи, қилар иши доим эгрлик эди. Оч нафси «Яна!», «Яна!» дейишини кўймасди...

Олий маълумотли бўлган бу йигит мавсумий савдо билан шуғулланар, рўзғори ҳам бинойидек ўтиб турарди. Бора-бора топган-тутганидан барака кўтарилди. Шунда ҳам хушёр тортмади, кингир ишларини кўймади.

У 2020 йилнинг баҳорида Поп тумани марказида таниши Зебинисани учратиб қолди.

– Нима қилиб юрибсиз? – сўради салом-алиқдан сўнг аёлининг кўлидаги бир даста қоғозга ишора қиларкан.

– Банкдан имтиёзли кредит оломқчи эдим. Шунга ҳужжат тўғрилаб юрибман, – деди жу-вон.

Бу гапни эшитган Фахриддин бирдан жонланиб қолди:

– Кредитга ҳаракат қилаяп-

ман денг?! Бирор киши билан гаплашдингизми?

– Йўқ. Банкда танишим йўқ... Кредит бўлимидаги йигитга уч-раб, қанақа ҳужжат кераклигини сўраб олдим. Ҳозир шуларни тайёрлаяпман.

Фахриддинга айнан шу жа-воб керак эди.

– Таниш-билиш бўлмаса, озорқ харажат қилинмаса ҳозир имтиёзли кредит олиб бўларми-ди?! – деди у жиддий киёфада. – Банкдагилар «ҳал қилиб бера-миз» дейишади-ю, ишни чўзиб юрсавери. Таниши борларнинг иши битиб кетсавери...

Зебиниса шундоқ ҳам икки-лашиб иш бошлаган эмасми, танишининг бу гапидан кейин дар-дор тушқунликка тушиб қолди:

– Ҳал бўлмасмикан?..

– Ҳозир ҳамма ишнинг қали-ти – пул! Озорқ харажат қилиш керак.

Зебиниса унинг нима демоқ-чилигини тушунди.

– Майли-ю, танишинг бўл-маса ўша зормандани кимга бе-расан?!

– Банк бошлиғи – менинг улфатим, – Фахриддин мулдоага ўтиб кўя қолди. – Ҳўп десангиз, ишингизни гаплашиб кўришим мумкин.

Зебиниса озорқ ўйлашиб тур-ди-ю, чиндан ҳам кредит олиши зарурлиги боис рози бўлди.

Фахриддин «Бироз шошмай туринг, ҳозирқоқ ишингизни гап-лашиб чиқаман» деганча банк биносига кириб кетди. Орадан ярим соат ўтар-ўтмас хурсанд киёфада чиқиб келди:

– Омадингиз бор экан. Юз эллик долларга ишингиз ҳал бўладиган бўлди, банк бошлиғи-ни кўндирдим...

У аслида бу масалада ҳеч қим билан гаплашмаган, аёлини алдаб, пул ишлаб оломқчи эди

холос.

Зебиниса унинг ниятидан бе-хабар бу келишувга рози бўлди. Бироқ Фахриддиннинг кейинги гап-сўзлари бир-бирига мос ке-лавермагач, унинг шубҳалари ортди. Боз устига, иш ҳал бўл-май туриб Фахриддин пулни сўрашини кўймасди...

Зебиниса 100 АҚШ долла-ри ва 475 000 сўм пулни олиб Фахриддиннинг ёнига жўнади. Аммо пул Фахриддинга насиб этмади...

Жиноят ишлари бўйича Поп тумани судида мазкур жиноят иши ўрганиб чиқилгач, унга нисбатан базавий ҳисоблаш миқдорининг 55 баробари (12 265 000 сўм) миқдориди жарима жазоси тайинланди.

Ана энди хулоса ўзингиздан: 150 доллар қайда-ю, шунча жа-рима қайда?!

Раҳматилло КОМИЛОВ, департаментнинг Поп тумани бўлими инспектори



FAOLIYATIDAN

КЎКНОРИ ҚИММАТГА ТУШДИ

Мажбурий ижро бюросининг Пискент тумани бўлимига жиноят ишлари бўйича туман судининг 2020 йил 7 августдаги ҳукмига асосан Олимжон Бердикуловдан 2 млн. 230 минг сўм жарима ундириш ҳақидаги ижро варақаси келиб тушган. Бўлим ижросиси томонидан 26 август куни ижро ишига киришилиб, қарор нусхаси тарафларга юборилган.

Олимжон Бердикулов ўз томорқасидаги гул ва дараклар орасига 5 туп кўкнорини қонунга хилоф равишда экиб парваришлаб келаётгани учун айбли деб топилди, ҳукм қилинган.

Жаримани ундириш мақсадида қарздорга тегишли мулк бор-йўқлигини аниқлаш мақсадида ташкилотларга сўров юборилганда, унинг мулки йўқлиги аниқланган.



14 сентябрь куни қарздорнинг уйига борилиб, унга жаримани тўлашдан бўйин товласа ё уни кечиктирса суд жаримани оғирроқ жазо билан алмаштириши мумкинлиги тушунтирилди.

Шундан сўнг О.Бердикулов жаримани тўлиқ тўлади.

Абдурасул АБДУҒАНИЕВ,
МИБ Пискент тумани бўлими бошлиғи

ТАДБИРКОР МАНФААТИНИ КЎЗЛАБ...

Мажбурий ижро бюросининг Чилонзор тумани бўлимига Тошкент шаҳар иқтисодий судининг 2020 йил 6 июлдаги «Enter engineering PTE. LTD DM» корхонасидан «Div» МЧЖга 353 727,65 АҚШ доллари, 16 000 доллар пеня ва 17 840 сўм почта харажати ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжати 20 июль куни келиб тушган. Шу

«ҲАҚҚИМНИ БЕРИНГ, БОЙ ОТА...»

«Тоza ҳудуд» давлат унитар корхонаси ходимлари Ш.Э. ва Ф.Ш. анча вақтдан буюн пешона тери билан топган иш ҳақини ололмаи сарсон бўлишди.

Харакатлар бесама бўлган, ишни суд орқали ҳал этишга қарор қилдилар. Фуқаролик ишлари бўйича Қарши туманлараро суди 2020 йилнинг 21 июль куни иш ҳақини ундириш ҳақида қарор чиқарди ва бажариш учун бюронинг Қарши шаҳар бўлимига юборди.

Давлат ижрочиларининг саъй-ҳаракатлари билан Ш.Э.га 2 млн. 580 минг 228 сўм, Ф.Ш.га 2 млн. 638 минг 609 сўм иш ҳақи ундириб берилди.

Қодир КАРИМОВ,
МИБ Қарши шаҳар бўлими бошлиғининг ўринбосари

100 МИЛЛИОН СЎМДАН ОШГАН АЛИМЕНТ

Бюронинг Поп тумани бўлими давлат ижрочисининг ҳаракати самара бериб, ота фарзанди вояга етгунга қадар тўланадиган алиментни тўлиқ тўлади.

Қайд этилишича, фуқаролик ишлари бўйича Чуст туманлараро судининг 2019 йил 28 октябрдаги қарорига кўра Руслан Сариновдан фарзанди учун ҳар ойлик даромадининг тўртдан бир қисми миқдорда алимент ундириш белгиланган.

Мазкур ҳужжат бюронинг туман бўлими иш юритувига олинган ва Руслан Сариновга алиментни ҳар ойда ёки олдиндан бериб тўлаш тўлаши мумкинлиги тушунтирилган. Мазсулиятини ҳис этган ота кеча 140 040 465 сўм алиментни бериб тўлади. Бу пул тилхат асосида Махсума Нурматовга топширилди.

Жамолiddин РАҲМАТУЛЛАЕВ,
МИБ Поп тумани бўлими бошлиғи

ХОДИМ ИШГА ТИКЛАНДИ

Фуқаролик ишлари бўйича Термиз туманлараро судининг қарорига асосан Т.Тожихоновни Сурхондарё вилояти ҳудудий газ таъминоти корхонаси Шеробод туманлараро филиали чилангари вазифасига тиклаш тўғрисидаги ижро ҳужжати бюронинг Термиз шаҳар бўлимига келиб тушган ва ишга киришилган.

Меҳнат кодексининг 111-моддаси 1-қисмида меҳнат шартномаси ғайриқонуний равишда бекор қилинган ёки ходим ғайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказилганда у иш берувчининг ўзи, суд ёки бошқа ваколатли орган томонидан аввалги ишга тикланиши лозимлиги белгилаб қўйилган.

Мазкур талаб асосида бюро ходимлари томонидан талабнома юборилиб, жамият раҳбарига мажбурият юкланди.

Шундан сўнг Т.Тожихонов «Худудгаз Сурхондарё» МЧЖнинг буйруғига кўра ишга тикланиб, бекор юрган вақти учун унинг пластик картасига 22 млн. 494 минг 240 сўм ўтказиб берилиши таъминланди.

Комил ХЎЖАНАПАСОВ,
МИБ Сурхондарё вилояти бошқармаси катта инспектори



«STRAUS HOUSE» ДАН ҚАЙТИМ

Хабарингиз бор, «Straus house» корхонаси мансабдорларининг фирибгарлиги юзасидан жиноят иши қўзғатилган ва суд бўлиб ўтган эди.

Жиноят ишлари бўйича Миробод тумани судининг ҳукми билан «Straus house» МЧЖ мансабдорлари И.Исроилов ва бошқаларнинг ҳаракатлари оқибатида жабрланувчи деб эътироф этилган 347 нафар фуқарога 7 млрд. 100 млн. сўмдан ортик моддий зарарни ундириб бериш юзасидан ижро ҳужжатлари Бош прокуратура ҳузуридаги мажбурий ижро бюросига 2020 йил 18 сентябрда келиб тушган.

Ҳозир зарар суммасини жабрланувчиларнинг ҳисобрақамига ўтказиш мақсадида Мажбурий ижро бюроси томонидан ҳудудларда гуруҳлар ташкил этилди.

Баҳромжон НАСРИДДИНОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги МИБ бўлим бош инспектори

ҚАРЗ МАСАЛАЛАРИ

Мажбурий ижро бюроси Андижон вилояти бошқармасида суд қарорларига асосан кредит қарзини ундириш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда бюронинг маъсул ходимлари, вилоят прокуратураси вакили ҳамда вилоят банкларининг мутасаддилари қатнашди.

Қайд этилган маълумотларга кўра, бюронинг Андижон вилояти бошқармаси туман (шаҳар) бўлимида 338 млрд. 988 млн. сўмлик 1359 та ижро ҳужжати бўлиб, «Миллий банк» фойдасига 79 та ижро ҳужжатидан 33 тасининг, «Ўзсаноатқурилишбанк» фойдасига 69 та ижро ҳужжатидан 30 тасининг, «Халқ банки» фойдасига 176 та ижро ҳужжатидан 92 тасининг ижроси таъминланган.

Шунингдек, «Микрокредитбанк», «Қишлоққурилишбанк», «Атробанк», «Ипотекабанк», «Асака», «Турон» банклари ва «Алокабанк» фойдасига чиқарилган ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш чоралари кўрилган. Бундан ташқари, давлат ижрочилари 118 млрд. 430 млн. сўмлик гаровдаги кўчмас мулк, автотранспорт ва бошқа мулклар хатлаиб, онлайн-аукционга чиқарилган. Онлайн-аукционларда 5 млрд. 668 млн. сўмлик мулклар сотилиб, тушган пуллар ундирувчи банкларнинг ҳисобрақамига ўтказиб берилган.

Семинарда мутасадди идоралар вакиллари кредит қарзини ундиришдаги муаммоларга тўхталди, уларни биргаликда бартараф этиш масалалари кўриб чиқилди.

Ойистахон АБДУРАХМАНОВА,
МИБ Андижон вилояти бошқармаси катта инспектори

СОЛИҚ УНДИРИЛДИ

Солиқлар халқимизнинг фаровонлиги ва тинчлигини таъминлашга хизмат қилувчи муҳим манбадир. Бугунги кунда аксарият юртдошларимиз солиқларни ўз вақтида тўлапти.

Аммо солиқ тўлашни пайсалга солиш ёки ундан бўйин товлаш ҳолатлари ҳам учраб туради. Мажбурий ижро бюросининг Қарши шаҳар бўлими ҳам солиқ қарзларини ундириш чораларини кўриб бормоқда.

Жумладан, Қашқадарё вилояти иқтисодий судининг 2020 йил 18 июндаги ижро варақасига асосан «Gissarneftgaz» МЧЖдан худудлараро давлат солиқ инспекциясига солиқ қарзини ундириш белгиланган эди. Ижро ҳужжати юзасидан қарздорнинг балансидаги меҳмонхона ва автотранспортлар хатланди. Шундан сўнг қарздор 10 416 594 803 сўм қарзини тўлаб берди. Ҳозир қолган қарзларни ундириш чоралари кўрилмоқда.

Гулноза ДИЛМУРОВА,
МИБ Қашқадарё вилояти бошқармаси катта инспектори

2020 йилнинг 8 ойида Ўзбекистонга хориждан 73 та электромобиль импорт қилинган.



Жиноят ишлари буйича Олтиариқ тумани судида Риштон туманининг Жаҳонбод кишлоғида туғилиб ўсган Жиянбек Отақўзиевга (исм-фамилиялар ўзгартирилган) нисбатан кўзғатилган жиноят иши кўриб чиқилди.

ОЙНИ ЭТАК БИЛАН ЁПИБ БЎЛМАЙДИ

Жабранувчи, Жиянбекнинг амакисини воёга етмаган кизи. Гулшаной ота-онаси билан Фаргона шаҳридаги кўпқаватли уйнинг хонадонларидан бирида истикомат қилган. Ёзи таътилини укаси билан кишлоқдаги қариндошларининг уйларида ўтказган. Ака-сингилдай тез-тез бирга бўлиб суҳбатлашишлари асносида Жиянбекни ёктириб қолган. Шаҳарга қайтганларидан кейин ҳам мунтазам равишда у билан кўнгирақлашиб туришди. Сабохон қизининг ёндашларини ва рақлаб, амакисининг ўғлини севиб қолгани ҳақидаги қайдларга кўзи тушади. «Ёшсан хали, ўқинингни ўйла, бунақа гапларни хаёлингдан чиқариб ташла, қариндошлар оила қуришининг оқибати яхши бўлмайди, фарзандлари ногирон туғилиши мумкин» дея танбех беради. Йигит билан кўришишни тақиқлаб қўяди.

Жиянбек Тошкентдаги университетга ўқишга қиради. 2018 йил сентябрь ойининг охирида кишлоққа келганидан хабар топган Гулшаной уни йўқлаб боради. Кечаси талаба йигитнинг ҳовлисига қиради. Ётоқхонада суҳбатлашиб ўтириб Жиянбек кизни бағрига тортади, сеvgи изҳор қилади. Ўн беш яшар Гулшаной қаршилик кўрсатмайди. Тонгга яқин хайр-маъзур қилишди. Гулшаной Фарғонага, Жиянбек Тошкентга йўл олади.

2019 йил бошларида Сабохон Фарғона шаҳридаги хонадонни сотиб Жаҳонбод кишлоғидаги уйлардан бирини харид қилади ва онласи билан кўчиб келади. Гулшаной хомилдорлигини

яширишга уринади. Ойни этак билан ёпиб бўлмаганидай сирни ошкор бўлади. Қайсингилеси Каримахон кизи хомилдорлигини айтганида Сабохон ўзини кўярга жой топа олмай қолади. Гулшанойнинг дарҳол кўриқдан ўтказдиради. Тартиб-тамойлга биноан шифокор воёга етмаган киз хомилдорлиги ҳақида ИИБга хабар беради.

Сўралганида Гулшаной аввалга ким билан бўлганини яширди. Фарғонадаги мактабдоши зўрлаб номусига текканини айтиб қалғитишга уринди. Суриштирув мобайнида ниҳоят ростини айтишга мажбур бўлди.

— Жиянбекни севиб қолганим, ўз ихтиёрим билан бирга бўлдим, у мени мажбурлагани йўқ, — деди.

Суд мажлисида ҳам ихтиёрий бирга бўлганини тасдиқлади. Судланувчи Жиянбек айбига тўлиқ иқроор бўлиб, ёктириб қолган амакисининг кизи воёга етмаганини билгани ҳолда эҳтиросини жиловлай олмасдан номусига текканини, қилмишидан пушаймонлигини, қариндошлари ўзаро маслаҳатлашиб у воёга етгач уйлантириб қўйишга келишиб олишганини, ўқини давом эттиришга имкон беришни сўради.

Суд Ж.Отақўзиевга 200 соат мажбурий жамоат ишлари жазосини қўллади. Жазони ижро этиш Риштон тумани ИИБ пробация гуруҳи зиммасига юклатилди.

Фурқатжон ТҲҲИЕВ,
Олтиариқ тумани прокурорининг ўринбосари

«ҲОЖАТБАРОР» ҚАРИЯ

«Ҳарбий госпиталда зўр танишларим бор, ҳар бирингиз 400 доллардан берсангиз, фаррош вазифасига ишга киритиб қўяман...».

Олтмиш олти ёшни қоралаган қариянинг бу ваъдасига Қамати тумани Сарбозор маҳалласида яшовчи таниши Хуршида Абдиева чиппа-чин ишонди. Шу ёшга кириб алдамаса керак деб ўйлади. Бирок...

Устига-устак аёл зўр жойга ишга қираётганини айтиб дугоналарини ҳам қизиқтириб қўйди. Сарбозорлик Сарвиноз Ҳайитова ҳамда Яқабоб тумани Уланжи маҳалласида яшовчи Сурайё Чориева ҳам

Хуршида сингари Рустам тоғга икки юз доллардан келтириб беришди.

Аммо ойлар ўтса ҳам ишдан дарак бўлмади. Охири «ҳожатбарор» сарбозорлик икки аёлга дардини айтди:

— Яна икки юздан тўрт юз доллар олиб келасизлар, кейин ишли бўласизлар...

Хуршида ва Сарвиноз ўйла-ниб қолишди. Уларнинг тоқати ток бўлганди.

...Рустам Рашидов кафед

тушлик пайти Сарвиноз ликобча остига қўйган 400 долларни олаётган вақтида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораси вакилларининг қўлига тушди...

Жиноят ишлари буйича Қарши шаҳар судининг ҳукми билан Рустам Рашидов 3 йилу 6 ойга озодликдан маҳрум қилинди. Жабранувчиларга етказилган моддий зарар ҳам судланувчидан ундирилди.

Набираларига насиҳат қиладиган ёшида одамларга фириб бериб юрган қария балки энди қилмишидан сабоқ чиқарадир?

Абдирахим НИЁЗОВ,
Қашқадарё вилояти
прокуратураси бўлим бошлиғи

СОХТА ҲУЖЖАТ

Жиноят кодексининг 228-моддасида сохталаштирувчининг ўзи ёки бошқа шахс фойдаланиши мақсадида муайян ҳуқуқ берадиган ёки муайян мажбуриятдан озод этадиган расмий ҳужжатлар тайёрлаши ёки расмий ҳужжатларни қалбакилаштириши ёхуд бундай ҳужжатларни сотиши, шундай мақсадларда корхона, муассаса ёки ташкилотнинг қалбаки штамплари, муҳрлари, бланкаларини тайёрлаш ёхуд сотиш базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланиши белгиланган.

Тошкентда яшовчи Мунаввар Анварова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) икки фарзанднинг онаси. Олий маълумотли. Яратилган имкониятлардан фойдаланиб, текстил маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхона ташкил этган. Изланувчанлиги ва меҳнатсеварлиги туфайли иши юришди. Эл орасида ҳурмат қозонди. Аммо у нафсининг гашига кулоқ тутиб, суднинг қора курсисига ўтиришга мажбур бўлди. М.Анварова бир эмас, беш марта судланса ҳам бундан ҳулоса чиқармаган Лола Валиеванинг тақлифига рози бўлиб, шу кўйга тушди.

Фуқаро Нурия Нажмидиновова кредит олиш мақсадида банкка борганида муассаса ходимлари у бунинг учун бирор жойда ишлаётган бўлиши, йиллик иш ҳақи тўғрисида маълумотнома келтириши лозимлигини айтганда. Лекин Н.Нажмидиново уай бекаси эди. Демак, ҳам талаб қилаётган ҳужжатларни келтиришининг иложи йўқ. Бундан хабардор бўлиб қолган Л.Валиева «Харажатига рози бўлсангиз, банк талаб қилаётган ҳужжатни қилдириб бераман» деди. Н.Нажмидиново харажати қанча бўлишини сўраганида,

Л.Валиева «Икки миллион сўм берасиз» деди. Кредит зарур бўлгани учун унинг айтганига кўнди. Учрашув куни ва жойи белгиланди. Ўша куни Н.Нажмидиново паспорти ва СТИР маълумотномаси билан келадиган бўлди.

Ноқонуний ишга рози бўлган аёлнинг кейинроқ виждони уйғонди. У ушбу ҳолат ҳақида Тошкент транспорт прокуратурасига ариза билан мурожаат қилди. Ташкил қилинган тадбирда дастлаб Л.Валиева ашёвий далиллар билан ушланди. Шундан сўнг тадбир давом эттирилди. Ўртада турган аёл 2 млн. сўмдан 500 миң сўмни ўзида олиб қолиб, 1 млн. 500 миң сўмини М.Анваровага келтириб берди. Эвазига у Н.Нажмидиновога номига тайёрланган, МЧЖда ишлаётганлиги ҳамда бир йиллик иш ҳақи тўғрисидаги сохта ҳужжатларни берган пайтида қўлга олинди.

Бузоқнинг югургани сомонхонагача деганлари рост. Икки аёл жиноят ишлари буйича Яқкасарой тумани судининг ҳукмига асосан қонунда белгиланган жазосини олди.

Азиз САДИГОВ,
Тошкент транспорт
прокуратураси катта терговчиси

ИШДАГИ ФОЖИА

Меҳнат кодексига кўра иш берувчи ходим учун хавфсиз меҳнат шaroитини таъминлаши шарт. Аммо баъзи масъулларнинг бепарволиги туфайли иш жараёнида турли кўнгилсиз воқеалар юз берапти. Шундай қимсалардан бири «Navoiy girls xomashyo» масъулияти чекланган жамияти иш бошқарувчиси Илҳом Нажмидиновдир (исм-фамилиялар ўзгартирилган).

Маъзур корхона гипс ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб, унда 30 киши меҳнат қилади. Ходимларнинг хавфсизлигини таъминлаш вазифаси Илҳом Нажмидиновга юклатилган эди. У ўз вазифасига бепарволик билан қараган. Жумладан, 2009 йил 16 ноябрда Адлия вазирлигида рўйхатга олинган «Деворбоп материаллар, оҳақ, гипс ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларининг 162-бандига кўра, сизим лоқларининг қонқоғи зичликка эга бўлиши ва кулф билан беркитилиши лозим. Лекин Илҳом Нажмидинов бу талабни бажармасдан, яримтайёр маҳсулот йиғилдиган сизим лоқларининг мунтазам равишда беркитилмай қолишига йўл қўйиб берган. Бунинг оқибатида иш жараёнида ходимни гипс босиб қолиб, у шу ернинг ўзида вафот этган.

Ишига масъулият билан ёндашмаган кимса қонунда белгиланган жазосини олди.

Фаррух ҚАҲОРОВ,
ЖИБ Конимех тумани суди раиси

Юртимизда қонунийликни мустаҳкамлаш, қонун устуворлигини таъминлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган инсонлардан бири, прокуратура фахрийси Рим Залилов табаррук 90 ёшни қарши олмоқда.



У 45 йилга яқин прокуратура органларида турли лавозимларда самарали хизмат қилиб, шарафли меҳнат йўлини босиб ўтди.

Ишлаш жараёнида ижобий фаолият кўрсатиб, меҳнатсеварлик, изланувчанлик, адолатпарварлик,

ташаббускорлик каби фазилатлари туфайли барчанинг ҳурмат-эътиборини, ишончини қозониб келди.

Камтарлиги, фидойилиги, хизмат бурчига содиқлиги билан ҳамкасблари ҳурматиغا сазовор бўлди.

Рим Залилов қайси лавозимда ишлашидан қатъи назар, шогирдларига доимо ўрнак бўлди. Унинг кўп йиллик самарали меҳнатлари прокуратура раҳбарияти томонидан юқори баҳоланиб, кўп мартаба рағбатлантирилди.

Ҳурматли Рим Салимович, қутлуғ ёшингиз муборак бўлсин! Сизга соғлиқ-саломатлик, хонадонингизга тинчлик-хотиржамлик, дастурхонингизга қут-барака тилаймиш!

Узоқ йиллар давомида прокуратура органларида хизмат қилиб, фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган инсон, прокуратура фахрийси Зулфия Раззакова табаррук 60 ёшни қарши олмоқда.



У прокуратура органлари тизимидаги меҳнат фаолияти давомида Навоий ва Самарқанд вилоятлари прокуратура органларида турли лавозимларда самарали хизмат қилиб, қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя

қилиш каби касбий вазифаларни бажаришга масъулият билан ёндашди.

Ишлаш жараёнида ижобий фаолият кўрсатиб, меҳнатсеварлик, изланувчанлик, адолатпарварлик, ташаббускорлик каби фазилатлари туфайли барчанинг ҳурмат-эътиборини, ишончини қозониб келди.

Зулфия Раззакованинг узоқ йиллик меҳнат фаолияти прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳоланиб, бир неча мартаба тақдирланган.

Ҳурматли Зулфия Холиқовна, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга мустаҳкам соғлиқ, оилавий тотувлик, хонадонингизга тинчлик-осойишталик ҳамда фаровонлик тилаймиш!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази

MUNOSABAT

СУДЛАРДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Мамлакатимизда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида ахборот тизимларини ривожлантириш, ахборот технологиялари соҳасида кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича кенг қўламли ишлар қилинмоқда.

Жорий йил 3 сентябрда эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Унда аҳолига кўрсатиладиган интерактив хизматларни кўпайтириш ва мурожаатларни кўриб чиқиш жараёнининг онлайн кузатиб борилишини таъминлаш, судларнинг бошқа ташкилотлар билан электрон маълумот алмашинувини кенгайтириш, суд мажлисларида масофадан туриб иштирок этиш имкониятини кенгайтириш ва бошқалар судлар фаолиятини рақамлаштиришнинг кейинги босқичдаги вазифалари этиб белгиланди.

Мазкур қарорга кўра, 2021 йилдан бошлаб судларда суд мажлисларини аудиоёзувдан фойдаланган ҳолда қайд этиб бориш,

апелляция ва кассация инстанцияси судларида ишларни судьялар ўртасида автоматик равишда тақсимлаш, иштирокчиларни суд мажлисларининг вақти ва жойи ҳақида бепул SMS орқали хабардор қилиш амалиёти жорий этилади.

Шунингдек, 2022 ва 2023 йиллардан бошлаб суд қарорларини тарафларга онлайн тарзда тақдим этиш ва соҳага оид 10 га яқин интерактив хизматларни кўрсатиш, суд ишларини давлат архивига электрон шаклда топшириш йўлга қўйилади.

Бундан ташқари, жорий йил якунига қадар Олий суд томонидан суд мажлисларида видеоконференцалоқа режимда қатнашиш имконини берувчи мобил дастур ишлаб чиқилади.

Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида

судлар муайян ишни кўриш жараёнида зарур бўлган маълумот ва ҳужжатларни бевосита давлат органлари ва ташкилотларидан электрон шаклда олади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, маҳаллий ҳокимиятлар, ҳўжалик бошқаруви органлари, адвокатлар томонидан судларга даъво, ариза ва шикоятларни фақат электрон шаклда тақдим этиш имкониятини берувчи «Адолат» ахборот тизимлари комплекси 2022 йил 1 январдан бошлаб судлар фаолиятига жорий этилади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, судлар фаолиятига замонавий технологияларнинг жорий этилиши ва давлат идоралари ўртасида ахборот алмашинувининг яхшиланиши одил судлов самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Дилдора БАЗАРОВА,
Тошкент давлат юридик университетининг кафедраси мудири

JARAYON

СИНОВЛИ КУНЛАР САДОСИ

Пандемияни олдини олиш мақсадида мамлакатимизда бир қатор ишлар қилинмоқда.

Хусусан, божхонада экспорт-импорт операциялари соддалаштирилган тартибда амалга ошириляпти. Республикаимиз божхона постлари орқали товарлар ҳаракати узлуксиз давом этмоқда.

Шу йилнинг ўтган 8 оyi мобайнида Сурхондарё вилоятининг ташқи савдо айланмаси 187,3 млн. АҚШ долларга, шундан экспорт 80,6 млн., импорт 106,7 млн. долларга тенг бўлди.

Йилнинг ўтган даврида вилоятда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари томонидан 77,8 минг тонна мева-сабзавот экс-

порт қилинган. Улар жами 245 млрд. сўмлик божхона имтиёздан фойдаланган.

Пандемия даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг тўлов қобилияти суस्ताшди. Шу боис уларга тижорат банклари томонидан кредит таътили бериш тартиби жорий қилинган эди. Эндиликда ушбу таътир божларни тўлаш борасида ҳам татбиқ этилди. Бундан ташқари, республикада дорилар, тиббий буюм ва техникалар тақчиллигининг олдини олиш, шунингдек коронавирус инфекциясини юқтирган беморларга ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 22 июлдаги 449-қарори билан бир қатор тиббий буюмларни божхонада расмийлаштириш тартиби соддалаштирилди.

Шу билан бирга, аҳолининг озиқ-овқатга бўлган талабини қондириш мақсадида 3 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони қабул қилинди. Унга мувофиқ Ўзбекистонга олиб киришда 2020 йил 31 декабрга қадар бож ва акциз солигининг ноль ставкаси белгиланадиган товарлар рўйхати тасдиқланди.

5 июнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Божхона маъмуриятчилигини ислоҳ этиш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги фармони қабул қилинди. Унга кўра, 2020 йил 1 сентябрдан чегара-божхона постларида «Ягона дарча» ахборот тизими жорий этилди.

Дарҳақиқат, юзага келаётган ҳар қандай муаммони зудлик билан бартараф қилиш чоралари кўрилоқда. Эл бошига тушган синовларни биргаликда енгиб ўташим.

Шаҳриддин ҚУРБОНОВ,
«Айритом» чегара-божхона пости инспектори



Ўзбекистон 9 ойда 336 млн. доллардан ортиқ тайёр кийим-кечак экспорт қилди.

HUQUQ

YURIDIK GAZETA

MUASSIS:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси

BOSH MUHARRIR:

Jahongir MAKSUMOV

TAHRIIR HAY'ATI:

Erkin YULHASHEV
Halim BOLTAYEV
Sodiqjon NAZAROV
Hayot SHAMSUTDINOV
Utkirjon DEKXANOV
Magsudali QAMBAROV

TAHRIIRIYAT MANZILI:

Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,

Faks: 233-10-53,

233-64-85

www.huquq.uz

info@huquq.uz

Tahririyatga kelgan qo'yozmalar taqiriz qilinmaydi va egalarga qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

«HUQUQ» materiallari ko'chirib bosilganda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.

✉ — tijorat materiallari.

Buyurtma v-4333.
15 548 nusxada bosildi.
Ung'oz bichimi A-3, hajmi 3 bosma tobaq.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida teritdi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: **K.ASQAROV**
Sahifalovchi: **S.BABAJANOV**

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Nashr ko'rsatkichi 231

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etiladi.
Korxonalar manzili: Toshkent shahar,
Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirish: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'y xatga olingan.

ISSN 2010-7617



9 772010 761004

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Самарқанд вилояти прокуратура жамоалари ҳамда Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги маркази прокуратура фахрийси Мажид Асроровга опаси

Хидоят ЯХЎЕВАННИНГ вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

24-SENTABR 2020-Ҳ.

HUQUQ № 38

(1235)

11

ОРАЛИҚ МАСОФА УЧУН 37 ТА ГОЛ

Германия чемпионатининг қўйи дивизионидаги «Рипдорф-Мольцен II» жамоаси футболчилари оралиқ масофа сақлашга қарор қилишгани учун 37 та гол ўтказиб юборишди. Бу ҳақда «Goal» хабар берди.

«Рипдорф-Мольцен II» клуби президенти Патрик Ристоу бундан олдинги ўйинда унинг футболчилари коронавирус юктирган ўйинчилар билан мулоқотда бўлишганини, шу боис эҳтиёт чораларини кўришга қарор қилишганини айтиб ўтди. Клуб раҳбарияти ўйинни бошқа кунга қолдиришга уриниб кўрган, бироқ рад жавобини олган.

Шундан сўнг футболчилар майдонда алоқа қилишдан қочишга ва оралиқ масофа сақлашга қарор қилишган. Натижада жамоа «СВ Хольденштедт» клубига қарши ўйинда 37:0 ҳисобида мағлуб бўлди. Рақиб жамоа мураббийнинг фикрича, «Рипдорф-Мольцен II» клуби коронавирусни юктириб олиш хавфини бўрттириб юборган.

«Менимча, биз билан ўйнамасликка ҳеч қандай сабаб йўқ эди», — дея таъкидлаган у.

МЕССИ ЎЗ НОМИНИ СУДДА ЮТИБ ОЛДИ

«Барселона» клуби сардори Лионель Месси ўз номидаги бренд яратишни хоҳлайди, аммо унга 9 йилдан буён қаршилиқ қилишаётгани.



Ҳап шундаки, Испанияда «Massi» номи велосипед ишлаб чиқарадиган компания бор. Улар «Messi» номи бренд пайдо бўлишига қаршилиқ қилаётганлиги. Эмишкни, «Messi» сўзи уларнинг «Massi» брендида жуда ўхшаш ва бундай брендининг пайдо бўлиши мижозларни қалғитиб, велосипедчиларнинг савдосига таъсир қилади.

Жуда кўп суд мажлисларидан сўнг иш олий судгача етиб борди. Қарори муҳокама қилинмайдиган Европа иттифоқи олий инстанция суди бу борада Лионель Месси фойдасига қарор чиқарди. Интеллектуал мулк бўйича Европа бюроси «Massi» велосипедчиларининг даввоси-

ни қўллаган бўлса-да, ЕИ олий инстанция суди Мессининг исмини қайсидир бошқа ном билан алаштириб юбориш имконсиз бўлган даражада машҳур деб топди ва велосипедчиларнинг арзини рад этди.

«Футболчининг машҳурлиги «Massi» сўзига ўхшашликдан баландроқ туради. Месси телевидение ва радиода тез-тез муҳокама қилинадиган жуда машҳур инсон», — дейилган суд қарориди.

Шу тариқа ўз номини судда ютиб олган Лионель Месси эндиликда «Messi» брендида асос солиши мумкин.

Кўрамыз, тарихдаги энг зўр футболчилардан бири бўлмиш Месси қандай махсулотни ўз номи билан боғлар экан?

РОНАЛДУНИНГ НОМИ АБАДИЙЛАШТИРИЛДИ

«Спортинг» клуби академиясининг номи ўзгартирилади. Энди у «Ювентус» жамоасида тўп сураётган Криштиану Роналду номи олади.

Лиссабон клуби матбуот хизматининг таъкидлашича, энди академия дунёнинг энг яхши футболчиси билан бир қаторда тарихдаги энг яхши португалиялик футболчилардан бирининг номи билан аталади.

— Криштиану жамоамизга 1997 йили 12 ёшида келиб кўшилган. 2002 йилнинг 14 август куни 17 ёшида катталар ўртасида дебютини нишонлади. Бу тарихий воқеа Миланда «Интер»га қарши ўйинда рўй берди. Клуб ўзининг буюк футболчиси номи абадийлаштириш орқали ёшларга ўзгача иштиёқ ва илҳом тақдим этади.

Қулай фурсат бўлиши билан биз янги номланган академиянинг расмий очилиш маросимини ташкил этамиз. Криштиану Роналду академияси «Спортинг»ни бутун дунёга танитади, — дейилади клуб баёнотида.

«Спортинг» клуби президенти Фредерик Варандаш 2019 йил октябрь ойида клуб ўз стадионини Роналдунинг шарафига номлаши мумкинлигини эълон қилганлиги.



Эслатиб ўтамыз, Роналду «Спортинг» клуби тарбияланувчиси ҳисобланади, у 1997 йилдан 2003 йилгача шу клубда ўйнаган ва у ердан «Манчестер Юнайтед» жамоасига ўтган.



МУРОДЖОН РИНГГА ҚАЙТМОҚДА

Профессионал боксининг биринчи ярим енгил вазн тоифасида (55 кг) WBA ва IBF таснифидаги жаҳон чемпиони, ҳамюртимиз Муроджон Аҳмадалиев навбатдаги жангини ноябрь ойида ўтказмоқчи.

«Boxingscene» сайтининг хабар беришича, «Matchroom» компанияси томонидан ноябрь ойининг иккинчи ярмида ўтказилиши кутилаётган профессионал бокс кечасида Муроджон Аҳмадалиев IBF йўналишида мажбурий даъвогар ва вақтинчалик жаҳон чемпиони япониялик Рёсукэ Ивасадан ўз камарини ҳимоя қилади.

Кечанин асосий жангида собик жаҳон чемпиони Дениэль Жейкобс рингга кўтарилади. Унга Габриэль Росадо ва Жон Райдердан бири рақиб бўлиши кутилмоқда.

БЭЙЛ «ТОТТЕНХЭМ»ГА ҚАЙТДИ

«Реал Мадрид»нинг икки футболчиси – Гарет Бэйл ҳамда Серхио Регилон «Тоттенхэм» клубига ўтишди.

31 ёшли Гарет Бэйл 2020/2021 йилги мавсумни ижара асосида Лондон клубида ўтказди. У янги жамоасида 9-рақамни танлади.

Эслатиб ўтамыз, Бэйл «Тоттенхэм» клубида 2007 йилдан 2013 йилгача ўйнаган, сўнг 100 млн. евро эвазига «Реал»га ўтган эди.

Шунингдек, «Реал»нинг яна бир футболчиси – 23 ёшли Серхио Регилон ҳам «Тоттенхэм» жамоасига ўтди. Испаниялик ҳимоячи клуб билан 2025 йилгача мўлжалланган битим имзолади.

Хабар қилинишича, лондонликлар Регилон учун 30 млн. евро тўлашди. Шунингдек, шартномада «Реал» Регилонни 40-45 млн. евро эвазига қайтариб олиши мумкинлиги ҳам кўзда тутилган.

Регилон ўтган мавсумни «Севилья» клубида ижарада ўтказиб, жамоа билан Европа лигасида голиб бўлди. Ла лига доирасида эса 31 та ўйинда 2 та гол урди.



ДЕНИСГА «ROLAND GARROS» ЭШИКЛАРИ ЁПИЛДИ

Яқинда Франция пойтахти Париж шаҳрида теннис бўйича «Катта дубулға» туркумига кирувчи «Roland Garros» мусобақаси бошланади.

2020 йилнинг 11 октябрга қадар давом этиши кутилаётган мазкур мусобақада мамлакатимизнинг биринчи рақамли теннисчиси Денис Истомин ҳам қатнашиши керак эди. Бироқ Денисда коронавирус инфекцияси аниқланди ва мусобақада иштирок этмайдиган бўлди.

Айни кунларда теннисчимиз Профессионал теннисчилар уюшмаси рейтингининг 167-поғонасида бормоқда. У «Roland Garros» турниридаги иштирокини саралаш бошқичида бошлаши керак эди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди